

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Мардлигингиз, жасоратингиз — мангудир

«Буюк галабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаган ва биз, миннатдор авлодлар шу фидоий юртдошларимизни доимо улуглаймиз, уларнинг бекиёс матонати ва хотираси олдида ҳурмат билан бош эгамиз».

Ислом КАРИМОВ

Шу кунларда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галабанинг 60 йиллигини бутун дунё ҳамжамияти билан биргаликда Ўзбекистон халқи ҳам нишонлашга кизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги галабанинг 60 йиллиги нишонлиниши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон

қилинди. Ушбу ҳужжатда бир қатор муҳим ва хайрли талбирлар белгилаб берилган. Дарҳақиқат, урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўзбек ўғлонлари ҳам фашизм вабосини Ер юзидан даф этиш учун бўлган ҳаёт-мамат жанглирида тенгсиз мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатгани тарихий ҳақиқатдир.

Қуйида уруш қатнашчиси бўлган шавкатли юртдошларимиздан бири билан танишасиз.



Уша оловли йилларни кўрган, унинг азоб-уқубатларини ўз бошидан кечирганлар сафи эса тобора сийраклашиб борапти. Бугунги доруломон кунларимизга етиб келган уруш қатнашчиларидан бири Андижон вилояти, Қорасув шаҳридаги «Уч тегиримон» кўчаси 16-уйда яшовчи, яқиндагина 82 ёшини қаршилаган, 1-гурӯҳ ногирони Азимжон ота Исмоиловдир. Бу табаррук инсон хонадонида бўлиб, дилдан сўхбат қурдик.

- Келинг, аввало уруш хотираларингиз ҳақида гапириб берсангиз?!

- Уша машғум кунларни ҳамон сесканиш ва ҳаяжон билан эслайман. Бу тинч-фаровон кунларга етолмаганлар қанча.

1942 йилнинг 29 августидан мен ҳам барча йигитлар қатори армияга чақирилдим. 2-Белорус фронтига етиб бордик. Польша, Германия учун бўлган жангларда қатнашдим. Урмонларда, бугдойзорларда, гоҳо қалин қорларни, гоҳида муздек сувларни кечиб олган интилганмиз. 1943 йили оёғимдан яраландим. Унг оёғимдаги ўшан-

даги ўқ парчаси ҳозир ҳам бор. Кейинроқ беаёв жангларнинг бирида портлашдан сўнг бир кўзим қаттиқ жароҳатланди. Госпиталларда анча даволанишимга тўғри келган. Кейин яна жанггоҳларга қайтдим. Корасувдан Турғунбой Нивёзов, Сотволди Камоловлар билан бирга кетгандик. Фронтда улар билан, айниқса Турғунбой билан ҳамisha бирга бўлдик, не не курулдошларимиз жангларда қурбон бўлмади дейсиз, гоҳида саногига етолмай қолардик. Ҳозирги умримиз омонатга қолган умр. Уруш тугаса-да, 1947 йилнинг баҳоригача Беларуссияда - Минск шаҳрида хизматни давом эттиришимга тўғри келган.

- Иш фаолиятингиз ҳақида?

- Урушга кетгунча - 12 ёшимдан бошлаб далада ишладим. Урушдан қайтган яна далага чиқдим. Ногиронман, демасдан сувчи, табелчи, бригадир, ферма мудири каби вазифаларда ишладим. Оз-қўлга қанот қилиб, ёмон ишларга илашмай, ўз юртимдан узоқлашмай, хийла-найранг, ёлгон ишлатмасдан, бир жойда ҳалол-поқ ишлабман. Шукр, мана, роҳатларини кўрайман. Эл-юртда ҳурматим ба-

• Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг 230 нафар одам иштирок этди.

• Ўзбекистоннинг 338 нафар шавкатли фарзанди Қаҳрамон ушониға сазовор бўлди.

• 53 жангчи ҳар уччала даражадаги «Шухрат» ордени билан тақдирланган.

• 604 минг 52 нафар ҳаётимиз урушдан ногирон бўлиб қайтди.

• 450 мингдан ортиқ ватандошимиз қонли жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

• Ўзбекистон халқи фронтга ўқ-дори, дон, пахта, кийим-кечак, мева-чева етказиб берди.

• Ўзбекистон уруш ҳудудларидан кўчириб келинган 1 миллиондан ортиқ аёллар, кексалар ва етим болаларни ўз бағрига олди.

• Мамлакатимизда бугунги кунда 33 минг 721 нафар уруш қатнашчиси, 16 минг 204 та ҳалок бўлган жангчи оиласи, 286 минг 274 нафар фронт ортида меҳнат қилган юртдошларимиз яшамоқда.

• Уруш қатнашчиси бўлган 1401 нафар онахонларимиз ҳаёт.

• Урушда қийналган ватандошларимиз ҳақида 34 жилдан иборат «Хотира китоби» нашр этилди.

• Галабанинг 60 йиллиги муносабати билан, яна 15 минг 520 нафар ватандошимиз ҳақида «Хотира китоби»нинг қўшимча жилди нашрдан чиқарилмоқда.

ланд. Ҳозир 40 минг сўмга яқин пенсия оламан. Ҳукуматимизга раҳмат, ҳамisha бизни ўйлайди, шаънимизни улуглайди. Нафақат байрамларда, бошқа пайтларда ҳам «Раисимиз сизга салом айтди», деб турли совғалар билан йўқлаб келишганида Мадаминжон Исмоиловдан хурсанд бўлиб кетаман. Ҳаммаларига раҳмат!

- Энди оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?

- Умр йўлдошим Муқаррамхон билан мана 56 йилдирки, умргузаронлик қилиб келяпмиз. Пенсияга чиққунинга қадар у ҳам узоқ йиллар колхозда ишлаган. Саккиз фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Катта фарзанд — қизимиз 55 ёшда бўлса, кенжа ўғлимиз 32 ёшда. Ҳаммаси уйли-жойли, бола-чақали. Қирққа яқин не-вара, ўнлаб чевараларим бор. Замонамиз яхши, юртимиз тинч. Бундан ортиқ бахт борми...

Отахон кўлларини дуога очиб, ҳаммага сихат-саломатлик, хонадонларга қут-барақа, юртга тинчлик тилаб ният билдирилди.

Ҳа, кексалар дуоси олтиндан қимат. Дуоғўларимиз соғ-омон бўлсин.

Оловиддин ДАДАХОНОВ,
Андижон вилояти.

Сувратчи: Н. МИРЗАКАРИМОВ.



Саодатхон

Иўлдошева узоқ йиллар республикамиз шаҳру қишлоқларини кезиб бебаҳо, бекиёс халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олди, улар устида тинмай изланди. Фольклор дасталари ижодини радио-телевидение, газета-журналларда тарғиб-ташвиқ қилди. У 30 йилдирки Тошкент Маданият институтида ўқитувчилик қилиб келмоқда. Филология фанлари номзоди, профессор даражасига эришди.



Ушбу оқ ҳалат соҳибаси Муҳаббатхон Умаралиева Республика ревматология Марказида фаолият кўрсатади. Қизалоқлигида «дўхтир опа» бўлиб ўйнашни ёқтирадиган бу шифокор бугун халқнинг дардига даво топаётганидан мамнун.
Сувратчи: ОДИЛ.



- Американинг «Болаларни асранг» Халқаро ташкилотини грантини қўлга киритганимиз мактабни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларимизда янада кўл келди. Тинчлик корпуси билан ҳамкорликда бошланғич синф ўқувчиларига ҳам инглиз тили фани ўргатишга киришилди, - дея мамнун сўзлайди Урганч шаҳридаги 18-мактаб директори, туман Кенгаши депутати Марям Алимова.

САНОБАР



Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гулбахор Кобулова Наманган вилоят маънавият ва маданият бўлими ходими. Гулбахор ёш ижодкорларнинг «Зомин» анжумани фаол иштирокчиси ҳамда «Элда бўлгум афсона», «Исмисиз туйғулар» номли китоблар муаллифи.

МАТЛУБА

Сухбатдошимиз Дилором УМАРОВА — Қашқадарё вилояти, Қарши тумани ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси. Асли мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти муаллими. Самимияти, ҳалқ мақоллари, ривоятларни кўп билиши аёллар билан тез тил топишишида кўл келади. Таъсирчанлиги, жонсарақлиги уни аёлларга яна ҳам яқинлаштиради.

АНИҚЛИК— мақсадга энг яқин йўл

- Дилоромхон, хотин-қизлар кўмиталари бир неча йўналишда фаолият олиб боради. Қайси йўналишни бошқа ишларингизга асос деб биласиз?

- Рақамлар аниқлигини. Масалан, туманимиздаги 179970 нафар аҳолининг 90419 нафари хотин-қизлардир. Туғиш ёшидаги аёллар 45 минг 583 нафарни, ўсмир қизлар 6 минг 583 нафарни ташкил этади.

3114 нафар муаллималар фаолият кўрсатмоқда. Биз бу рақамларни шунчаки ҳисобот учун ўрганмаймиз. Бу рақамлар қайси соҳага қанча куч, маблағ сарфлаш кераклигини кўрсатади. Амалга ошириш ишончли бўлган режалар тузишга ёрдам беради. Масалан, ўтган йили 38 та оилавий тадбиркорлик ташкил қилинган бўлса, шулардан 18 тасига хотин-қизлар босум. Уларга 816 минг сўмдан кредит берилиб, оиладан ажралмаган ҳолда иш билан банд бўлишига имкон яратилди.

Бунга фақат иқтисодий имкон деб қарамаслик керак. Оилада аёлнинг кўлида иш бўлиши, унда одамлар буюртма бериши, яъни онанинг кимларгадир керак бўлиши болаларда фахр туйғусини уйғотади. Улар оналарга фарзандлик ҳурматидан ташқари, ўша ҳурматга қўшимча бошқача бир ҳурмат билан қарай бошлайдилар. Ана шу ҳиссиёт билан жамиятга боғланаётган. Ёки бўлмаса, ўқитувчилар уйларига бориб таълим бераётган 25 нафар ногирон ўқувчиларимиз бор. Уларни ҳоимийлик асосида қийим-кечақлар, дарсликлар билан таъминланади. Имконияти чекланган фарзанднинг мунгайиб турган кўзларига термулган она кўпинча умидсизликка тушади. Аммо боласининг жамиятга қадрланаётгани, кимлардир унинг соғлиги, ҳатто саводи даражаси учун қайғуриши онага куч-қувват беради. Ташқаридан кичкинадек туюладиган шу эътибор онанинг илинжи риштаси. Мен бу каби мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

- Жойларда хотин-қизлар кўмиталари бошчилигида жуда кўп тадбирлар ўтказилади. Албатта, аёлларнинг бир жойга ҳам бўлиши, бирпас турмуш ташвишларидан узоқлашиб, дийдорлашиши - яхши иш. Аммо ҳозир тадбирларга бундан ҳам кўпроқ маъно-моҳият юклайдиган пайт эмасми?

- Албатта. Мана биз бир неча қишлоқларимизда "Қишлоқ аёлининг заҳматлари" мавзусида тадбир ўтказдик. Диққат қилинса, бир қишлоқ аёли нуфузли мусобақага тайёргарлик кураётган спортчида кам югурмайди бир кунда. Биз бундан оддий ҳол деб ўганиб қолганмиз. У албатта қунора нон ёпиши керак, мол-ҳолга, экин-тинкинга қарашли шарт. Ҳозир бугунги қишлоқ кеча-гидек эмас. Нонвойхоналар, ошхоналар, дам олиш учун бурчаклар бор. Аммо ҳали-ҳануз ақсарият жойларда нонвойхона, ошхона хизматидан фойдаланиб, аёлга енгиллик

бериш ҳақида ўйланаётгани йўқ. Ахир, қишлоқ аёлининг ҳам бўш вақти бўлиши, ўзига қараши керак-ку. Биз тадбиримизда аёлнинг бўш вақтини қолдириш, бу вақтни ўзи учун сарфлаш масаласини ўртага қўйдик. Бундай тадбирларга фақат шифокорлар, ҳуқуқшунослар эмас, қосметолог, сартарошларни ҳам таклиф қилиш яхши самара беради.

- Ёшларнинг никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтишининг фуқароларимиз олдига мажбурият сифатида қўйилиши жамиятимизда насл соғломлиги борасида қилинаётган жуда катта ишлардан бири. Ёшларнинг ўзида ана шу мажбуриятга жиддий муносабат шаклланаётими?

- Бизда тақдир тақозоси билан хорижда яшаётган бир аёл ҳар йил ёзда яқинларини кўргани келади. Ва, албатта, шифокор кўригидан ўтиб, бир қатор муолажалар олиб кетади. У: "Ўзбекистонда тиббий хизмати анча арзон, қадрлига етинглар", - деб кўп такрорлайди. Мен ўша аёлни бир гал туман марказий шифохонаси қошида ташкил этилган "Оила ва никоҳ" хонасига олиб бордим. Никоҳдан ўтишга ҳозирланаётган йигит-қизлар билан суҳбат ўтказдим. Бундай суҳбатлар бериб кетмайди, албатта. Никоҳ қайд қилинган келин-куёвларнинг ҳаммаси тиббий кўрикдан ўтган. Бизда қариндош-уруғлар орасидаги никоҳлар бўлиб туради. Ҳозир ёшларнинг ўзи бундай никоҳга қаршилиқ қилишяпти. Ота-оналари хоҳлаганда ҳам уларни шифокор қабулига бошлаб бораётган, яқин қариндош-уруғчилик никоҳининг оқибати ҳақида аниқ тушунтиришларни эшитиб, ишонч ҳосил қилганда, бундай қалтис таваққалдан воз кечаётганлар бор. Туманимизда чоп этилаётган "Нахшоб" газетасида ҳам тиббий кўрикдан (айланма йўллар билан) ўтиб, сўнг келин ёки куёвнинг беомурлиги аниқланиб, бори куйиб қолган оилалар ҳақида мунтазам мақолалар бериб борилади. Ҳар ҳолда, тиббий кўрик эҳтиёж сифатида ҳаётимизга кирмоқда.

- Дилоромхон, "Маҳалла кунлари" деган атамани тилга олдингиз...
- Ҳа, биз маҳаллаларимизда шундай тадбир ўтказаямиз. Бу тадбирдан кўзланган мақсад ҳам - аниқлик. Бир қарашда кўрик-танловга ўхшайди. Энг покиза, энг тадбиркор, энг маърифатли ва ҳоқазо номинациялар бўйича голиблар ақинланиб тақдирланади. Энг муҳими, тозаланиб, кўкаламзор бўлиб қолган маҳаллаларни кўриб дилинг ярайди. Тадбиркорлик ҳам шу. Ким иш очган бўлса, уни жон-жаҳди билан сақлаб қолишга уринади. Биз мавзақат бир тадбир орқали доимий натижаларни кўзлаяпмиз. Мана, ўтган йили Собир Раҳимов маҳалласи 8 та номинация бўйича голиб бўлди. Бугун ҳам шу мавзунни сақлашга ёшу қари ҳаракатда.

- Ишларингизга омад, доим яхшиликлар ҳақида суҳбатлашайлик.
Кутлибека РАҲИМБОЕВА суҳбатлашди.



Яхши ҳам, Ёмон ҳам қолмас пойғор

нинг хизматлари миз текин ва беғараз. Бу иқтисодий жихатдан қийналган аёллар учун катта ёрдам бўлди.

(Шу ўринда жамиятимизга ҳоимийлик қилган Ўзмеваузумхолдинг компаниясига ўз миннатдорчилигини билдираман.)
Шунингдек, "Жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар", "Талаба ва ўқитувчи ҳуқуқлари", "Гиёҳвандлик - умр заволи" сингари мавзуларда турли ташкилотларда, олийгоҳларда, коллежларда суҳбатлар уюштирдик. Лекин тадбирларимиз фуқароларнинг меъдасига теғмаслиги кераклигини ҳам эътибордан қочирганимиз йўқ. Шу боис суҳбатларимиз бир пайла чой устида иштирокчига етказилади. Бундан ташқари таҳсинга лойиқ оилалар аъзоларини рағбатлантириш орқали иштирокчига таъсир кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Укув муассасаларига ёшлар орасида олиб борадиган тарғиботларимиз эса уларнинг руҳиятларига мослаштирилган. Инсон "Мен ва фақат Мен" деган салбий фикр юртишининг домга тушиб қолмаслиги, "Мен йўқ, дея оламан" деган ҳулосага келиши учун нима қилиш кераклиги хусусида эркин мулоқотлар қиламиз. Соғлом бўлиш учун ўзини бошқара олиш "инсоний кадр-қиммати ни сақлаш", ўзини хор бўлишига йўл қўймаслик каби жуда кўп муаммоли мавзуларга уларнинг эътиборини қаратдик. Натижаси ёмон эмас. Ишқилиб, яхшилик қилмоқчи бўлганга Худойим ўзи йўл кўрсатаркан.

Ҳа, Абулқосим Фирдавсий:
"Кел, жаҳонни топширмайлик ёмонга, Бурайлик барчани яхши томонга. Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмас пойғор, Яхшиси: яхши иш бўлсин пойғор", - деганда жуда ҳақ эдилар.

Жамоа раҳбари Наима Холмухаммедова бошлиқ бу уюшманинг мақсади—"Аёл ўзлигини таниши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши кераклигини хотин-қизларга ҳам амалий, ҳам назарий томондан синдириш керак. Жамоа энг аввало "Аёл ҳуқуқлари - инсон ҳуқуқлари" дастурини тузиб, чоп этди. Дастурда аёлларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, саломатлигини меъёрлаштириш, оилада ва жамиятда аёл мавқеини кўтариш, соғлом турмуш тарзини жойларга бориб, тарғибот этиши сингари ишлар режалаштирилди.

- Биласизми, - дейди жамоа раҳбари Наима Холмухаммедова, - оилавий келишмовчиликлардан аёлнинг руҳий бўламлиқ тортилади. Кўпинча оиладаги зиддиятлар ўз вақтида ҳал этилмаганидан газак олиб кетганлигининг гувоҳи бўламлиқ. Оқибатда иккала томон орасидан парда кўтарилиб, нотинч-муаммоли оила пайдо бўлади. Оила парокандаликка учрайди. Бу - эр-хотин учун ҳам, болалар учун, жамият учун ҳам бир умрлик "чандик"ка айланади.

Биз ана шундай воқеаларнинг олдини олиш ниятида "Таскин" ишонч марказини ташкил қилдик. Унинг телефони рақамларини матбуот орқали, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари орқали Тошкент шаҳри бўйича маълум қилдик. Оилани "ёпиқ қозон" дейишади. Баъзи аёлларимиз "уйдаги гапни биров билмасин", деб эзилди, хўрланиб яшайверадилар. "Оғрик" кучайганда, "муолажа"га ҳоҳат қолмайди. "Таскин" маркази телефони аёлни ана шу -

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ОИЛАГА КўМАК

Шофиркон тумани хотин-қизлар кўмитаси, "Искоғор", "Қалмиқон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда "Саврак" маҳалласи ташаббуси билан оилани ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ташкил этилди.

Мазкур марказ кам таъминланган оилаларнинг қизларига тикувчилик, миллий каштачилик ва бошқа хунарларни ўрганиш имконини беради. Уларга С. Абдуллаева, Х. Салимова каби моҳир мураббийлар хунар сирларини ўргатишади.

Ахборот

АЁЛЛАРГА ИШ ЎРНИ

Вобкент туманида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастури ишлаб чиқилди. Унда аёллар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Б.Холовнинг таъкидлашича, жорий йил бошидан буён тумандаги 186 нафар уй бекалари хонадонлари яқинидаги "Йўлдошбек-Феруз", "Умид-Моҳинур", "Ахтам-Азамат" каби фермер хўжалиқларига ишга жойлаштирилган.

А.КУДРАТОВ,
"Туркистон-пресс"



Сумалак пишиб қолди, ҳаммаларинг бизниқига келинглр, дейди файзли хонадоннинг эркатойи Дилбархон.

Сувратчи: ОДИЛ

Узоқ манзилга—автобусда кетаркансан, беихтиёр ҳамроҳинг билан суҳбатлашганини, диллашиб, кўнгил тубидаги балки ҳеч кимга айтилмаган сир-асрорларингни унга ошкор этганингни ҳам билмай қоласан. Менга куйидаги ҳаётий кечмишни Фаргона йўлида Собиржон ака исмли ҳамроҳим айтиб берди.

Менинг оилавий ҳаётимда онамдан ҳам қайнонамнинг таъсири катта бўлган, — дея сўз бошлади у. — Қайнонам билан бир қишлоқданмиз. Қайнотам уруш ногирони. 1 қиз, 5 ўғил кўришган. Кейинчалик эшитсам, шу якка-ю ягона қизини болалигимиздаёқ менга атаб, бу тўғрида онамга шипшитиб кўйишган экан. Қизга вояга етгач, келган совчиларга улар: "қизимизнинг боши боғлиқ", — деб жавоб беришган. Одатда йигит тарафдан қиз томонга "совчи"лар уюбориллади. Менда эса аксинча бўлган. Хилд киноларидоги қизнинг ота-онаси совчи бўлиб йигитнинг уйига боришгандек, қизнинг ота-онаси: "Сизда ўғил бўлса, бизда қиз бор, келинг кудга бўлайлик", — деб ойда 2 марта менга харидор бўлиб кела бошлашди.

бўлса, қочмас", — деб жавоб берди. Орадан яна 3 йил ўтди. Шу йиллар ичида 4 хонали уйнинг томини ёпдим, сувқудан чиқардим, электр, водопровод ўтказдим. Уй битган йили менинг совчиларим яна келишди. Онам: "Кувёмим армияга кетди. Келин олиш ҳозир менинг кўнгилмга сиймайди", — деб жавоб берди.

Бўлажак қайнонам бошлиқ совчилар бўлишиб қайтиб кетишди. Бу орада мен университетнинг кечки бўлимига ўқишга кириб олдим. Учунчи курсга ўтганимда почтам армиядан қайтди. Бир йилдан сўнг иккинчи хияним туғилди. Энди онамнинг бутун хаёли, эътибори янги бўшлаган қизда. Опамнинг қайнонаси уйда бўлса ҳам, онам янги чақалоқни кўлдан кўймайди. "Чақалоқни эмизадиган вақти бўлди", "ухлатадиган вақти бўлди", "неварани шифокорга кўрсатиш керак", деган ташвишлар билан оввора. Уйда қолган 2 нафар ўғли нима еяпти, нима кийяпти, кир-чири нима бўлди — иши йўқ. Қирқ кун чилласини ўтказиб ниҳоят онам уйга келди. Онам келган кунининг эртаси мени олдига чақириб шундай деди: "Ўғлим, мен опанга "бешиқ тўйи" бермоқчиман. Опанг икки болали бўлди, ҳали ҳам бешиқ бера олганим йўқ. Поччангнинг опаси қачон бешиқ бера-

узатганинга 5-6 йил бўлди. Нера уйланмайсан. Ёки касалмисан, деб сўрашяпти, ахир", — дедим.

Уларнинг гапига қулоқ солма. Опангни ўйла. Рўзгори бузилмасин. Сен эркак кишин. Уйланиш қочмайди. Мен 28 ёшимда бева қолганман. Сенларни ўйлаб тоқ ўтпман. Мени хафа қилма. Опанг ва уканиг учун ота ўрнида оталик қил. Шу сендан лозим, чунки сен катта ўғлимсан", — дедилар.

Ахир бировнинг қизини бошини бойлаб кўйганингизга 10 йил бўлди. У қиз ҳозир 24 ёшга тўлди. Ачинмайсизми? Унга совчилар келмай қўйган. Сизда инсоф борми?", — дедим.

Сени куёв қилмоқчи бўлса кутати, керак бўлса. Сен ҳали ёшсан. Отанг менга уйланганда 40 ёшда бўлган. Йигит киши канча кеч уйланса, шунча хотинининг қадрига етати, — дедилар.

"Ана холос, — деб уйлاردим мен, — энди 2-3 йилгача "бўйдоқ" юрадиган бўлдим-да"... Аммо лекин мен сизга айтсам бўлажак қайнонам хотин киши бўлса ҳам "ўғил бола" экан-да. "Шу сабр-тоқатли йигитни куёв қилмасан отимни бошқа кўйвораман", — деб қасам ичган бўлса керак-да. Яна бир йил кутди-я. Шунга ҳам айтиб қўяйки, мен қайлигимга 10 йил ичида узоқдан кўзим тушган бўлса ҳам, яқиндан кўриб сўрашмаганмиз. Мени узоқдан кўриши билан бўрига дуч келган кийикдай

Офа-Турсуной Шнилик Илми

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)



Она бир кун уйда йўқ бўлди. Ишдан тушликка келган кичик ўғил, кеннойсининг илтифотини кута бошлади. Соат 2 бўлди ҳамки овқатдан дарак йўқ. Сўнг ҳазиломуз: "Кенной, қорнингиз қорчимди, менинг қорнин очди", — деди. Тушганига эндигина бир йил

бўлган келинчақ ғалати қараш қилди-ю, уйига кириб кетди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас, ичкаридан асабиллашган акаси чиқиб келди, унинг уйқудан уйғотилгани шундоққина кўриниб турарди. Кела солиб укасига хезланди: "Нимага менинг хотинимга кесатиқ қиласан, бошқачароқ тушунтирсанг бўлмайми?" — дея бақирди. Укаси тошдай қотди. Юрагида акасига боғланиб турган бир ип чирт узилди. Улар Хасан-Хусан каби эдилар, бир-бирига эргашиб, бир-бирига суянишиб юрар эдилар. Бир неча дақиқанинг ичида акасига укасини хунук кўрсатиб улгурган келинга қойилмисиз? Ё аёлининг икки оғиз ташвиқоти билан укасига ҳаммага тайёр бўлиб чиққан акага қойилмисиз? Агар келин ҳам, ака ҳам бундан кейин шу тарзда иш тутсалар, оға-инилар бир-бирлари билан юз кўрмас бўлиб кетадилар...

Аслида эса бундай бўлиши керак эди: аёлининг дийдиёсини эшитгач, ака атайлаб ҳам ўзини жиддий қиёфага солмоғи ва шиддат билан демоғи керак эди: **"Авалло менга ҳаргиз укаларимни ёмонлама! Иккинчидан, онам йўқ пайтида оиламизда она ўрнини сен босиб туришинг керак! Менинг жигарим сеннинг ҳам жигаринг, нима учун унга вақтида емак тутмадинг?! Учунчидан, шунга билиб қўй, оиламизнинг ҳамма аъзосига ёксанггина менга ёксан! Укам сенга кесатибдими, ёқмайдиган иш қилгансан!**

Укасини дили оғриб турса ҳам, шундай деб, аёлининг оғзини ғийбатга бошқа очилмайдиган қилиб ёпиши керак эди. Келин ҳали ёш, қилмишини хунук эканлигини билгач, юрак ютиб, иккинчи бундай иш қилишга журъат қилмайди!

Энди ука хусусида. Бизнинг миллий феълимиз шундай: ака ёки ука уйлангач, мустақил оиланинг раҳбарига айланади. Атрофнинг унга муносабати сезиларли ўзгаради, яъни унга эҳтиром кучаяди, муомалада ҳисоб-китоб жиддийлашади. Демак, акангнинг оиласи — унинг шахсий кўрғони. У ёққа киришга ҳар кимга ҳам изн берилмайди. Бу кўрғон муаммолари хусусида эса фақат аканг билан гаплашилади. Айтиб турибмизки, аканг уйлангандан кейин катта одамга қандай иззат билан муомала қилсанг, (ҳеч йўқ унинг аёлининг олдида) шундай тавозеда турасан!

Ака ёки уканинг аёли билан мунозара қилинмайди, уларга танбех берилмайди. Нормализациянинг жуда ортиб кетса, онанг, синглинг, опанг орқали етказасан. Улар бўлмаган тақдирдагина ранжиганингни аста акангга айтасан.

Йигитчиликда яна шундай қоидалар бор, ўғлон, акангнинг ёки уканинг аёли уйда ёлғиз ўтирган бўлса, кирмайсан! Бир хонтахта атрофда узоқ суҳбатдош бўлмайсан — бу ака ёки уканинг хурматидир. (Агар кеннойсининг ёши сенга она даражатода бўлса, бундан мустасно.) Иккала тараф ҳам минг одобли, инсофли бўлсин, барибир, қайн бўйинлар келинлар билан масофа сақлайдилар.

Шунигингдек, келинлар ҳам қайноталари, қайногалари ёлғиз ўтирган уйга кирвермайдилар, бирга овқатланишга, суҳбатга журъат этмайдилар. Улар қайнота ва қайногаларига бўлган илтиҳи, меҳрибонликларини қайноналари, қайинсинглилари ёйинки жуфтлари орқали етказадилар. Доно Шарқ оила мустақамлигини мана шу тарзда сақлаб келган.

(Давоми бор.)

Қайнонам туфрайли...



Кўрган-кечирганларим

Онам бўлса, келган совчиларга қараб, (мен 24 ёшда бўлсам ҳам) қошини кериб, лабини буриб: "Ўғлим ҳали ёш, хунар-пунар ўргансин, пул топсин. Ундан кейин ҳали опаси бор, уни узатайлик эгачи", — деб жавоб беради. "Ҳали опаси бор", деган "узри" жавобни эшитган совчилар тарвузи қўлтигидан тушиб қайтиб кетишаверади.

Орадан яна бир йил ўтди. Бўлажак куёвнинг (яъни менинг) опаси ҳамон уйда. Совчиликка боришининг фойдаси йўқ. Бўлажак қайнона энди олам учун куёв кидиришга тушди. Икки-уч ойлик суриштиришлардан кейин куёв топилди. Уртада расм-русумлар адо этилиб тўй ҳам бўлиб ўтди. Онам куёвли бўлди. Орадан 3-4 ой ўтиб яна менга "совчи" бўлиб келишди. Онам: "Келин олишга тайёргарлигим йўқ. Уйимизнинг томи ёпилмаган. Водопровод ўтказилмаган. Ўғлимнинг қиладиган иши кўп. Тўй

сиз, деб сўраяпти", — дедилар. Мен онамга юмшоқлик билан: "Ойижон, сиз ўзингиз умрингизда бир кун бўлса ҳам давлат ишида ишлаб пул топмаган бўлсангиз, укам ҳали ўқишда бўлса, мени кунига 12 соатлаб ишлаб топганим рўзгордан, укамнинг, сизнинг кийим-кечагингиздан ортмаса, "бешиқ тўйи"ни ниманинг ҳисобига қиласиз. "Бешиқ тўйи", деб ўтирган уйимизни сотайликми? Опамни одамлар ҳавас қилгудек катта тўй билан, ўзингизни тушингизга ҳам кирмаган катта сеп билан узатдим-ку. Кўнглингиз жойига тушмадимми ҳали ҳам. Битта бешиқ билан беланчакни бозордан сотиб олиб берай. "Бешиқ тўйи"га бало борми? Мени шунчалик қийнайсизми?" — дедим. Онам менга қараб: "Бешиқ тўйи"нинг вақтини белгилаб, опанга ваъда бериб келдим. Мен сени оқ сут бериб бождим. Бир кўз билан катта қилдим. Онам мендан рози бўлсин десанг "бешиқ тўйи"ни қилиб берасан. Гап тамом", — дедилар.

Нима ҳам дердим. Она рози — худо рози. "Бешиқ тўйи", унга кетадиган сарф-харажатлар учун ҳамкасб дўстимдан қарз олдим. Бу пул урвоқ ҳам бўлмади. Сарполарга етмаганича ўзим учун яхши кунларга атаб олинган туфли, костюм-шим, келинга аталган 6 кийимлик матолар, гилла, полос. Ҳатто ўзимнинг тўйим учун боқиб қўйилган қўчқор ҳам бешиқ билан машинага ортилди. Энди 2-3 йилгача тўйни қолдиришга тўғри келади. Аттанг. "Бешиқ тўйи" ўтгандан бир ой ўтиб бўлажак қайнонам менга яна совчи юборди: "Қизимни йиғиштириб олинглар", — деб. Онам уларга "Яқинда "бешиқ тўйи" бердим. Бир-икки йил кутсин", — деб жавоб бериб юборди.

Мен онамга қараб: "Ойи, нега ундай қилдингиз. Ахир мен 30 ёшга кирдим. Тенгдош ўртоқларим опангни

бир зумда гойиб бўлар эди. Ўн йил ичида юз бор ҳаракат қилиб, бир оғиз гаплашаолмасам-а. Эй, нима бўлса, бўлди. Таваккал, ахир "онасини кўриб қизини ол" дейишган-ку. Бўлажак қайнонам эрини олдига солиб, куёвликка сўраб охирги марта совчиликка келишганда мен ҳам мардлик қилиб онам орқали рози эканлигимни билдирдим. Нера десангиз, онамга қолса мени 40 ёшга тўлмаганимча уйлангандан нияти йўқ, "40 ёшимгача яна ўн йил кутиш керак. Унгача ким бор-у, ким йўқ. Одам дегани ҳеч бўлмаса 30 ёшида мустақил бўлиши керак-ку. Ўзимни ҳам ўйлашим лозим", дедим ичимда. Ростини айтсам тўйга розилик берганим ўзим учун, ёки бўлажак хотинимни яхши кўрганлигим учун ҳам эмас, балки қайнонамнинг, бир сўзлиги, "принципиаллиги", чўрт кесарлиги, қизининг бахти учун ҳар қандай қийинчиликка, камситишлар ёки менсимасликлар дейсизми — ҳаммасига бардошли бўлиб чидагани сабаб бўлди.

Тўйга атаб йиққанларим, "бешиқ тўйи"га сарфланиб бўлгани учун қарз-қавола қилиб, тўйни бошлаб юбордик. Агар қайнонамнинг жонқуярлиги бўлмаганда, билмадим 40 ёшимгача "бўйдоқ" юрармидим, деган хаёлларга ҳам бораман. Ҳозир 2 ўғил ва 1 қизим, 8 нафар набирарим бор. 95 ёшимда қаршилаётган қайнонам эса 25 набирара буви, 29 чеварага момо бўлдилар. Энг кичик набираларини узатганига энди 1 hafta бўляпти. Шу кунгача ўғил-қизларни ёки набиралар оиласида уриш-жанжал ёки қўйди-чикди бўлганини эшитганим, кўрганим йўқ. Мабодо, шундай жанжал чикқудек бўлса ҳам улар набира ўғил томон эмас, балки келин тарафини олиб, муаммони адолатли ҳал этишга ҳаракат қиладилар. "Менинг қайнонамдек қайноналар бошқаларга ҳам насиб этсин, — ҳамроҳим шундай деб юзига фотиҳа тортиди...

Оққа кўчирувчи:
Охунжон БЕГМАТОВ,
Тошкент шахри.

Хонамда ўтирган Меҳрибон исми аёл тахририятимизга уч йилдан буён келди.

Шаҳарга дўхтирга келиб, текширишдан ўтаман. Улар бир йил давомида юрагимдаги ўзгаришларга қараб доридармон ёзиб беришади.

Бир йил ичида ҳаётингизда қандай янгиликлар бўлди? -деб сўрадим.

Э, нимасини айтасиз? Кўп ўзгаришлар бўлди. Ниҳоят, неча йилдан буён қураётган уйимизга ҳам кўчиб кирдик. Катта қизимиз Тошкентдаги тиббиёт коллежида ўқияпти.

Яхши. Лекин сиз яна бир гап айтмоқчига ўхшайсиз?

Очиги нима деб гап бошлашни билмай турибман. Юз берган юрак хуружидан кейин ўтган уч йилдан буён турли касалхоналарда даволандим.

Унинг гапларига ишондингизми? - Айтдим-ку, мен дўхтирларни хурмат қиламан. Улар мени юрак хуружидан сақлаб қолишгани учун ҳаммасига ишонардим-да.

Хар ҳолда гап-сўзингиздан ёмон одатларингиз йўққа ўхшайди. Қизнинг оиласини биларкансиз...

исмини Гулчеҳра деб таништириди-да, манзилини ёзиб берди.

Эртага туман касалхонасида сизни соат 11 да кутаман. Менга 400 минг сўм пул олиб келинг. Бир кунда ҳамма ҳужжатларингизни тўғрилаб бераман, - деди.

моқчи бўлгандим.

Аёл сизга ёрдам бердимми ишқилиб?

Қани эди, ёрдам қилган бўлса? У бир дардимга ўн дард қўшиб, мени лақиллатиб, қарзга ботириб кетди. Шу кунни уйга бориб воқеани эримга айтдим. У рози бўлди. Сўнг соғин си-

ни ўзим оламан. Яхшиси кабинетимга олиб кирасиз, мен 11-хонада ўтираман. Эшигига фамилиям билан исмим ёзиб қўйилган, деди.

Кейин нима бўлди?

У айтган пайтда келдим. Кўринмади. Айтган хонасига кирсам бошқа, рус аёли ўтирибди. Ундан Гулчеҳра деган шифокор ҳақида сўрадим. Аёл ҳайрон бўлди. Мен йиглаб юбордим. Шундан сўнг у барча шифокорларни йиғиб мен билан таништирди. Мен айтган аёл бу ерда умуман ишламаган экан.

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

эмасман. Ўрни тўлди-ку. Энг муҳими мен эримнинг жуذا ҳам меҳрибон инсон эканлигига яна бир бор ишондим. Очиги, у жуذا жиддий, ўз юрагидагиларини ошқор қилавермайдиган инсон.

Агар ўша аёлни яна кўрсангиз, жанжал қилармидингиз?

Йўқ, унга Аллоҳдан бирорровни алдамайди. Қалби кўр ва мажруҳ. Бундай йўл билан топилган пули яхшиликка бўлмаслигини ўзи ҳам билади, изтиробдан қийналади.

Меҳрибон кулиб-кулиб

Ужуда



гиримизни қўшимизга 400 мингга пуллаб келди. Шу пулни олиб эртасига аёл айтган жойга келдим. У чиндан ҳам кўчада

Бахтсиз аёл...

мени кутиб турарди. Лекин оқ халатда эмас, қора кўйлақда, бошига ҳам рўмол ўраб олганди.

Бу воқеани уйдагилар биллишимизми?

У сизни хафа қилмадимми? - Асло. У жуذا яхши инсон.

Мени жуذا авайлайди. Майли, хафа бўлмагин. Яхшиям ўзингга ҳеч нарса бўлмади. Болаларнинг бахтига соғ бўлгин, пул бўлса топилади. Сижилиб, юрагингни яна касал қилма. Онамга индамай тур, пулни жойига кўямиз, деди.

Эримнинг чиндан ҳам ажойиб инсон экан, бу ҳам сизнинг бахтингиз. Пулни топа олдирларми?

Эрим пайванд ҳам қиларди. Уч ой роса тер тўқди, бировларнинг ишини бажарди. Мен ҳам унча-мунча кийим тикдим. Амаллаб 400 мингни тўпладик.

Кейин қайнонамга: Пенсияни тўғрилаб бўлмас экан, қаттиқ текширишар экан, -деб пулни бердик. У билмади. Майли, пул кетса-да, хафа

Дорига, дея бир оз пул ҳам берди.

Бу воқеани уйдагилар биллишимизми?

У сизни хафа қилмадимми? - Асло. У жуذا яхши инсон.

Мени жуذا авайлайди. Майли, хафа бўлмагин. Яхшиям ўзингга ҳеч нарса бўлмади. Болаларнинг бахтига соғ бўлгин, пул бўлса топилади. Сижилиб, юрагингни яна касал қилма. Онамга индамай тур, пулни жойига кўямиз, деди.

Эримнинг чиндан ҳам ажойиб инсон экан, бу ҳам сизнинг бахтингиз. Пулни топа олдирларми?

Эрим пайванд ҳам қиларди. Уч ой роса тер тўқди, бировларнинг ишини бажарди. Мен ҳам унча-мунча кийим тикдим. Амаллаб 400 мингни тўпладик.

Кейин қайнонамга: Пенсияни тўғрилаб бўлмас экан, қаттиқ текширишар экан, -деб пулни бердик. У билмади. Майли, пул кетса-да, хафа

хайрлашиб, бизга соғлик ва ижодий омадлар тилаб кетди.

Илк бор кўрганимда у сал гапга йиллаб, тутила-тутила ўзи ҳақида гапирган, энди эса анча дадил ва ўзига ишоннадиган бўлиб қолибди.

Баъзан бахтсизлик ҳам кишини чинқитиради, дейишади, шу рост шекилли. Унинг оиласидаги яхши хабарлардан хурсанд бўлдим. Ийлар давомида вақти-вақти билан келиб турадиган мана шундай мухлисларимизни кўп эслаймиз, уларни кутамиз. Тахририятимизга келиб-кетадиган мухлисларимизнинг ҳаёти бизни ҳамиша қизиқтиради.

Бизга келган, кўнгироқлашган азиз ва кадрдонларимиз! Омонисизлар, ишларингиз яхши ва оилангиздаги бахтингиз бутунми? Келинг, сизларнинг таширларингизни кутамиз...

ГУЛБАШАКАР

Хар гал газета саҳифаларида тақдир ўйинларидан боши қотган инсонларга курсатган йўл-йўригингиз, берган маслаҳатларингизни ўқирдим. Бу гал эса ўз бошимга тушган муаммони ҳал қилишга қийналганимдан сизларга кўнгироқ қилаялман, - деди ўзини Элдор деб таништирган йигит. Отанам асли андижонлик бўлишса-да, лекин мен Тошкентда туғилиб ўсганман. Ёшим ўттиз иккида. Хануз бўйдоқман. Бунинг сабабларидан бири маб-

қизи бор. Оғир-вазмин, орастагина қиз. Лекин унга нисбатан юрагим "жиз" этмайди. Сабаби, сал тўлароқ, «Ўтириб» қолганлиги ҳам шундан бўлса керак. Ота-онаси мени ичкўёв қилиб, ҳатто, кейинчалик машина олиб беришмоқчи. Аслида ичкўёв бўлганларни, қайнотасининг пулидан фойдаланганларни ёқтирмасдим. Ҳамма нарсасига ўзимнинг ҳаракатим билан эришишни хоҳлардим. Аммо, шу пайтгача ҳеч нарсасига эри-

Ҳеч нарсасига зориктирмайман, демайману, лекин оч қолмайди. Аммо, шундай қизга уйланишни хоҳлардимки, у ҳам менга елкадош бўлса, аравани бирга тортса, орамизда меҳр бўлса...

Хар ҳолда гап-сўзингиздан ёмон одатларингиз йўққа ўхшайди. Қизнинг оиласини биларкансиз... Балки, бу сизга аталган бахтдир?!

туғилгач, қалбимда меҳр-муҳаббат уйғонар? Шундай эмасми? Гоҳо таваккал ҳам қилиш керак, дейишади-ку. Ўртанча акам икки йил синишиб, севишиб уйланган эди. Бир йил яшамасдан ораларида тушунмовчиликлар, жанжаллар чиқа бошлади. Қариндош-уруғлар қанча яраштиришга уринсалар-да, ажрашиб кетишди. Яқин бир ўртоғим эса, оилада ёлғиз фарзанд бўлгани учун ота-онаси танлаган қизга уйланди. Хотини билан бор-йўғи тўрт марта учрашган экан.

Мана, иккита фарзандли бўлиб, бахтли яшашаяпти. Бу ҳолатларни кўриб ҳайрон бўламан-да. - Элдоржон! Ҳаёт жуذا мураккаб. Тақдир азал деган гаплар бор. Шу ёшгача орзуингиздаги қизни учратмабсиз. Аммо айтганингиздек, вақт кутмайди, умр ўтмоқда. Бунинг устига «қўш хўкиз» бўладиган умр йўлдошини истаркансиз. Лекин бекумқўст инсоннинг ўзи йўқ. Сизни куёв қилмоқчи бўлган оилани ҳам тушуниш мумкин. Улар ҳам фарзандини яхши инсон билан яшашини хоҳлашади. Балки қизларининг яхши яшашини учун сизни ҳам қўллаб юборишмоқчидир... Сизни ичкўёв эмас, балки қизларни туфайли ўғил қилишмоқчидир. Айтганингиздек, намунали оила, ибодли қиз бўлса, бахтли бўлиб кетарсиз ҳали... Аммо барибир қалб-бингизга қўлоқ солиб иш тутинг.

Кўнгироқларингиз...

Ичкўёв бўлишни хоҳламайман...

лағ етишмовчилиги бўлса, иккинчиси: "Севиб уйланаман!" - дея аҳд қилганим эди. Очиги ҳалигача кўнглимдагидек қизни учратмадим. Қолаверса, қизларга ҳам ишонч йўқ ҳозир.

Элдорбек, барча қизлар ҳақида бундай фикрлашингиз нотўғри. Яхши қизлар кўп. Сиз мулоҳазали йигитга ўхшайсиз. Наҳотки шу пайтгача биронта қиз билан танишмаган бўлсангиз?..

Танишганман. Яқинда бир қизнинг ота-онаси мени куёв қилишга рози эканликларини билдиришди. Бу оила билан анчадан бери борди-келдимиз бор. Ўзига тўқ, тушунган оила. Айниқса, хонадон бекаси оқила, ақлли аёл. Уларнинг мендан уч-тўрт ёш кичик

ша олмадим. Вақт кутмас экан, ёшим ўтиб кетаяпти. Оғайниларим ўша қизга уйланишимни маслаҳат беришаяпти. "Тўрмуш курсанг ёқтириб кетасан!" дейишади. Мен эса у оилага куёв бўлсаму бир кунни хотинимни ёқтирмай қолиб, ажрашиб кетсам-чи? Шунда ҳозирги борди-келдим ҳам узилиб қолишидан чўчийман.

Ота-онангиз, яқинларингиз бунга нима дейишаяпти?

Улар: "Яшайдиган сен-ку, бундай масалаларни ўзинг ҳал қил", - дейишаяпти. Чунки, мен рус мактабда ўқиганман. Ҳаётга бошқача назар билан қарайман. Уларга менинг одатларим ёқмас-чи?

Агар бошқа бир қизга уйлансангиз оилангизни таъминлай олармидингиз?



Яна шундай имконият бўлмас-чи? - Опажон! Ростини айтсам, тенгдошларимнинг буй чўзган фарзандларига қараб ҳавасим келади. Балки, фарзанд

Матлуба ШУКУРОВА

ЎЗГАНИНГ ҲАҚҚИ...

Акс-садо

"Ичиндаги таабанг ўлмасин" 12-сон

ЭСАТМА: Рўзгорнинг кўрпасини сакага тортсам, оёқ, настга тортсам, сака очилиб қоладиган кунларни бошдан кечира бошладик. Ўқтин-ўқтин болаларан яшириб ўйлаб олам. Қилган «ишми»дан пушаймонман. Билиб турибман, бу — менга Тангрининг юборган жазоси бўлди.
С. ФАХРИДИНОВА

Наҳотки тўрт боланинг онаси, кап-катта аёл бировни ҳаққидан кўрқмаган бўлса?! Ахир кўшни аёлнинг онасидан қолган мероску. Меросга кўз олайтириш жуда ёмон. Ўз ташвишлари билан овора бўлиб қолдириб кетган тақинчоқларни ўша заҳотиёқ қайтариши лозим эди. "Тураверсин-чи, чиқса бераман", - деган фикрнинг ўзи аёлни маънавий қашшоқлигини, кўзи очлигини айтиб турибди. Кўшни аёл тақиб юрган зебузийнатларига ҳасад билан эмас, ҳавас кўзи билан боқшимиз керак. Афсуски, беш қўл баробар эмас.

Ушбу мақолани ўқиб, юрагимнинг бир четида из бўлиб қолган воқеа ёдимга тушди. Ушанда раҳматлик онам ҳали ҳаёт, аммо касал бўлиб ётиб қолган эдилар. Менинг ўз уйим нотинч бўлганлиги учун тилла тақинчоқларни онамнинг уйларида сақлар эдим. Сўнгги марта меҳмондан қайтиб келиб тақинчоқларимни онамнинг кўлларига бердим. Онам уларни олиб, бирма-бир қараб чиқдилар. Ахир бу тилла тақинчоқларни онамнинг ўзлари ҳалол меҳнатлари эвазига рўзгордан орттириб, "қизимга" деб атаб олганлар. Хуллас, ўша кун онам тақинчоқларни олиб кўйдилар. Буни мен аниқ кўрдим.

Орадан икки ҳафта ўтган, бир галати туш кўрдим. Аниқ эслай олмаيمان. Хавотирга тушиб келиб қарасам, тилла тақинчоқлар йўқ. Онамдан сўрасам: "Билмадим, болам, ўша жойда эди", - дедилар. Онамнинг касаллими ёки қариллими сабаб, хотиралари сусайиб қолганди. Аниқ эслай олмадилар. Менинг эса кўнглим гаш. Кейинги сафар уйга келганимда онамга сездирмай ўзим қараб чиқдим. Ҳеч қаерда йўқ! Хонадонда онам билан бирга икита акам ва икита келиноийим ҳамда жиянларим яшайдилар. Қайси бирларидан сўрашни билмайман. Онам бўлсалар, "ўзинг олиб кетган эдинг", - десалар, мен бўлсам: "Ойижон, ўзингиз олиб кўйган эдингиз", - дейман. Онам бечорани юракларига гашлик тушди. "Қаерга кетди?! Ким олади?" - деб хавотирга тушдилар.

Мен онамни безовта қилмаслик учун бу ҳақда бошқа гапирмадим. Уларни тинчлантириш учун "тақинчоқларни топдим, ўз уйимда экан", - деб кўя қолдим. Лекин юрагимни бир чети нимадир тирнарди. "Наҳотки, ўз уйимда, ўз жигарларим мени..." "Бир кўзинг иккинчи кўзингни ўяди", - дегани шумикан?

Ёз фасли. Жиянимни тўйи кезлари эди. Келиноийим тўй ҳаракатлари билан овора. Уларга қандай айтишни билмайман, тўғриси кўрқаман. "Мендан гумон қилаяптими?" - деб ўйлайди. Чунки улар онамга жуда яқин қарарди. Тез-тез хабар олиб турарди. Онам ҳам ўша келинини кўпроқ яқин кўрар эдилар.

Бир кун ўзимда куч топиб ўша келиноийимдан сўрадим. Улар ҳайрон бўлди. "Уйда бўлса керак, ким олади? Онамлар бирор жойга эҳтиётлаб олиб қўйгандирлар-у, эслолма-



яптилар шекилли..." - деди. Жиянимни фотиҳаси куну уйлари, ҳовли-жойларни яхшилаб тозалаб чиқдик. Кечқурун меҳмонлар тарқалган, мен ҳам кетмокчи бўлиб турган эдим, беш яшар жияним онасига: "Ойи қаранг, нима топиб олдим", - деб бир тугилган дастурмолчани кўрсатди. Қарасам... ўша мени тақинчоқларим тугилган рўмолча. Жияним ҳовлидан, ҳожатхона ёнидан топиб олганини айтди.

Ҳамма ҳайрон. Чунки эрталаб ҳовли-жойлар тозаланган эди. Ҳеч нарса йўқ эди. Ўша куну кувончимни чеки йўқ. Лекин кейинроқ ўйлаб қолдим, тилла тақинчоқларни олган одам (жигарларимдан бири) тақинчоқларни излаётганимни билган ва унинг виждони қийналганими ёки Оллоҳдан кўрқганими, билмадим. Майли, ҳаммаси яхши. Лекин бир нарсадан дилим оғриб қолди. Ўша куну уйда гап тарқалди, эмишчи, гўёки онамлар ҳожатга борганларида чўнтақларидан тушириб қўйган эмишлар. Бу гапларга мен ишонмадим. Чунки онам бечора фақат уй ичида юрар эдилар. Ташқарига чиқолмасдилар. Уйдагиларга айтсам жанжал бўлиши аниқ. Мен индамадим. Лекин шу гапдан кейин юрагимни бир четига дарз кетди.

Бу гапларни ёзиш мен учун жуда оғир. Ҳурматли таҳрир! Ушбу мақолани ўқиб, юрагимнинг яраси янгиланди.

Мақоладаги аёл ҳам тақинчоқларни ўз вақтида эгасига қайтарганда эди, тангрини жазосини олмас, виждон азобиди қолмаган бўларди. Хулоса қилиб шуну айтмоқчиманки, ҳар кимса ўзганинг ҳаққидан кўрқуши керак.
Шоира ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳри.

Бу мақолани ўқиб, бизнинг-да кўнглимизда уйғонган баъзи мушоҳадаларни одил ҳакам — сиз азиз газетхонлар билан ўртоқлашгимиз келди.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда тўй ва концертларда катта ёшдаги ҳофизларнинг кўшиқларини ёш-ёш болалар қўлашлари тез-тез учратиш мумкин. Энг ачинарлиси, уларнинг ота-онаси-ю шу ижрони эшитиб ўтирган ўқитувчилар ва бошқа ёши катталар ҳам гулдурос қарсақлар билан уларни олқишлашади. Мавзуи ёшидан катта бўлган кўшиқларни қўйлаш келажакда бундай болалар тарбиясига албатта таъсир қил-

Кези келганда кўпчилик санъат илосмандларини ташвишлантираётган бир ҳолга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Баъзи ашулачи қизларимизнинг ижросига яхшилаб эътибор берилса, мусиқада миллий руҳ, миллий оҳанг йўқлигидан ташқари, у кўшиқларда покйиза севги, ёрга садоқат эмас, бизни кечирингу, эрсирокан бир қизнинг дардлари намоян бўлиб туради. Ачинарли томони шундаки, бундай кўшиқлар фақат аудио, видео альбомлар, ёки навадат телерадиоканалларидагина берилиб қолмай, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг кан-

налларида ҳам намойиш этилмоқда.
Бадиий

ТАНҒИД ҚИЛИШ ОСОН

"Ўртар" ни тинглаб
- 2-сон, 2005 йил

ЭСАТМА: Ҳақиқат қўшиқлардаги дарааламни, муҳаббатнинг сеҳрли кучини, юракларни титратувчи ҳиссиётни ўзла кечирмаган ёш бола "Ўртар" каби мумтоз кўшиқларимизни қўйлаш жоизмикан.

Мухторжон ТУРДИАЛИЕВ,
Фарғона.

май қолмайди.

Ҳозирги вақтда миллий қадриятларимиз ва аждодларимиз меросини қайта тиклаб, уларни ёшлар онгига сингдириш йўлида катта ишлар қилинаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мен ўзим санъатга озми-кўпми алоқадор киши сифатида шуну айтмоқчиманки, мумтоз кўшиқлар, айниқса, катта ашулаларнинг ижроси ҳар қандай кўшиқчидан жуда катта имконият, алоҳида иқтидор ва эътибор талаб этади. Аниқки, аудио ва видео альбомлар, клиплар ҳамда телерадиоканаллар орқали кўпчиликнинг сезимли санъаткорига айланиб қолган ҳозирги яллачиларнинг аксари мумтоз кўшиқлар туғул, ҳатто Нодира ғазали билан айтиладиган "Эй, сарвиравон" ёки Фурқат ғазали билан айтилувчи "Фигонки" кўшиқларини талаб даражасида мохирона ижро этиш у ёқда турсин, "ўрнидан силжитиш" ҳам ожиз, деган фикрданман. Бас, шундай экан, ун-ун. бир яшар ўша болакайга офарин айтиб, санъатига сайқал, овозига янада жозоба, ўзини ўтган пиру устозларнинг руҳиюки тарбият қилишини талаб, ҳақиқига дуо қилиб юришимиз лозим эмасми, домлажон?

Тасавуфдан маълум бўлишича, ишқ икки хил — ишқи илоҳий, яъни фақатгина Оллоҳни севиб унинг ҳузурига ошиқиш, унинг висолига етиш ишқи ҳамда ишқи мажозий, яъни инсонга қаратилган ишқ бор. Жомий, ҳазрат Навоий, Бобур ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа намоёндалари, шу жумладан "Ўртар" қўшиғи ғазалининг муаллифи шоир Машраб ҳам ўз асарларида ишқи илоҳийни ишқи мажозий кўринишда ифодалашган. Мумтоз кўшиқлар ижросини ёш болаларга ўргатаётган устозлар бу нарсани ҳамда ўргатаётган кўшиқлари маъноси, қўшиқ руҳи, гоёси ва ундаги дарддан хис эта олишни шогирдлари онгу тафаккурига сингирсалар, янада соз бўларди.

келгашларнинг вазифаси ҳозирга келиб нимадан иборат бўлиб қолди? Эфирга узатилаётган кўшиқлар назорати кимнинг зиммасида? Зебунисо, Увайсий каби шоира моларимиз, асарлардан ўтиб, бизга-ча етиб келган халқ достонларида мадҳ этилган Барчиной, Шохсанам каби ҳуону малохат, ҳаёю ифбат соҳибалари ҳам ўз ёрларини севганлар, маҳбублари йўлида қурбон бўлишга тайёр бўлганлар, аммо нима бўлса-да, улар ўз ишларини пинҳон тута билганлар, "Аёл" деган муқаддас ном соҳибаси эканликларини бир онга бўлсин, унутмаганлар.

Илм кишилари ва санъаткорлар эиё эгасидирлар. Илм кишилари илм нури билан халқни юксаклик сари бошласалар, санъаткорлар ўз кўшиқлари билан халқнинг қувончу-ғамига шерик бўладилар, халқни орзу-истак йўлида интилишга, жасоратга, ота-она, юрт, миллат, халқ ва ёрга муҳаббатга садоқатга қорлайдилар. Агар инсониятга фақатгина ўйин-қулги ва баланд овознинг ўзигина керак бўлганида эди, санъаткорлардан кўра маймунни ҳамда эшакни кўпроқ хурмат қиларди.

Яна бир мулоҳаза: санъат коллежларида, миллий консерваториямизда "Аънавий ҳофизлик" деган бўлим бўлиб, унда ёшларга "Шашмақом"дан жой олган мумтоз кўшиқлар ўргатилади. Қанийди, мусиқа мактабларида ва ўрта мактабларда ҳам шу иш йўлга қўйилса, болаларимиз қалбида миллий мусиқамизга хурмат, уни ўрганишга иштиёқ янада кучайиб, телевизор ва радиода болаларимиз ижросида мумтоз кўшиқлар кўпроқ берилармиди?!

Ишонамизки, иқтидорли болалар юртимизда кўп. Худо хоҳласа, балки улар келажакда мумтоз кўшиқларимизни ўтган устозлардан-да ортириб ижро этиб, муҳлислар олқишича сазовор бўлишар. Ҳозирча уларни танқид қилишдан кўра, тўғри қўйлашига ундаса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Шухрат ҚОДИРОВ,
Бухоро шаҳри.

"ҚИЗНИНГ ТЕНГИ ЧИҚСА" ...

Фақат Нейматиллажон эмас, умуман эркак зотида синглиси, опасини бошқа бир йигит ё эркак билан гаплашиб турганини кўрганда тушуниб бўлмайдиган рашми, қизганимши, гашлантирувчи, ориятини кўзгатадиган туйғулар уйғонади. Уни биров жиловай олади, баъзилар эса...

Ўша йигитларнинг таёқ еб индамай кетишига сабаб қизни севганликлариди. Шунинг

учун ҳам жим кетишган. Ҳаразли мақсадлари бўлганида таёқ еб жим кетмасдилар. Ё Нейматиллажоннинг ўзини ўлғидай қилиб уришарди, ё ички ишлар бўлимига даъво қилиб ариза ёзишарди. Севиш эса айб эмас. Чунки инсон зоти жуфт яратилган. Жуфтини аёл зоти қидирмайди. Йигитларнинг ўзлари топадилар, ё ота-онаси. Бордию йигит бир қизни севган бўлса, суриштириб, маъқул келса олиб бериш керак.

Ҳадиси шарифда ҳам болангизнинг кўнглига қаранг дейилганку. Энди йигит қизнинг акасидан таёқ еса, совчи юбормаслиги тайин. Йигит, унинг оиласидагилар маҳалласида хурматли, обрўли бўлса қудалашган маъқул. Ахир тенги чиқса, текин бер, деган гап ҳам бор-ку.

Қизнинг борган жойида тиниб-тинчиб бахтли бўлиб кетиши унинг ота-онаси, ака-ука, опа-сингилларининг ҳам бахти. Қизнинг бахтли бўлиши учун ота, она, акалар ҳам масъул. Қиз нафақат турмушга чиқиб кетгунча, унинг

ҳаёти давомида ҳам хабар олиб туриш даркор. Бу унинг ҳаётига аралашиб, турмуш тарзиғи ўзгартиришга уриниш дегани эмас. Зарурият туғилганда моддий ва маънавий қўллаб туриш лозим. Синглиниқига бориш учун йўл бўлмаса, ўртада галлазор ястаниб ётган бўлса, ака экин пайхон бўлса ҳам буғдойзорни босиб боришга ҳақли экан. Ака зиммасидаги масъулият шунчалар юксакдир.

Сингилларга бахт, омад ёр бўлсин!
Мўмин ХОЛМУРОДОВ

"Синглимдан хаёлан узар сўрайман" 9-сон

ЭСАТМА: Қаттиққўл ака эмас. Сингилларим билан шунчаки гаплашган йиғиларни урарам. Энда ўша йиғишлар ақал, топармон-тутармон бўлиб, эл орасида эътибор қозонишди. Синглим эса... Рўзгорини бут қилиш учун тинимсиз ишлабди. Синглимга жабр қилиб, изтирбамаман.
БАСИРА

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Паҳлавон набирамиз МУСОБЕК!
Сени беғубор 1-ёшга тўлишинг билан табриклаймиз!
Ўригидан данаги ширин,
Набирамсан, боламдан ширин.
Эркалайин бериб бор меҳрим,
Бобонгаек пок, узоқ умр кўр!
Отанг Аҳмаджон, онанг Дилора, Курамбой Отажоновлар оиласи. Хоразм вилояти. Хонқа тумани.



Азизам ШОҲИДАХОН!
Сизни 14 апрел туғилган кунингиз билан чин юракдан самимий табриклайман. Умрингиз узоқ бўлсин.
Турмуш ўрмонингиз Жалолддин.

Эркатой набирамиз РАҲМАТУЛЛОХ!
Сени туғилган кунинг билан қутлаймиз. Ўйчимизнинг файзи, юрагимизнинг кўри бўлиб, ўйнаб-кулиб, бахтимизга соғомон бўл.
Носир даданг.




Устозимиз Абсоат ТўРАЕВ!
Сизни қутлауғ 55 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Фарзандларингиз, оилангиз ва шогирдаларингиз бахтига соғ бўлинг.
Қамаш тумани маданият уйи ходимлари ва шогирдаларингиз.

Азиз ҳамкасбимиз Юлдашхон РАСУЛОВА!
Таваллуа кунингиз қутлауғ бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва орзуингиздаги гўзал бахт сизга доимо ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз!



Ҳамкасбларингиз



Келинимиз ҲУЛАРОЙ ва ХУРРИЯТХОН қизимиз!
Сизларни туғилган кунингиз билан табриклаймиз! Узоқ умр ва соғлиқ тилаймиз.
Муҳаррам биби ва Тўйбой Тўхтаев. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани.

Онажонимиз Шахло ҚАЛАНДАРОВА!
Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз ва узоқ умр тилаймиз.
Ўғлингиз Зафарбек Аҳмедов



Онажонимиз Ибодатхон ЭРГАШЕВА!
50 ёшингиз муборак бўлсин. Дуоғўйимиз сиз билан ўтаётган бахтли ҳаётимизга кўз пегмасин! Умрингиз узоқ бўлсин! Фарзандларингиз

Гўзал келинимиз НАВБАҲОРОЙ!
20 ёшингиз муборак бўлсин! Ўғлимиз Сарваржон билан кўшақарингиз. Бахтингизга кўз пегмасин!
Обшжонингиз Ибодатхон, Юлауз ва Шаҳодат



«Oila va jamiyat» ўзгичномаси

ОХИРАТНИ АЙЛА ҒД!

Тўқчиликка етганингда йўқчиликни айла ғд,
Фанимат ота-онангга қўлчиликни айла ғд,
Савоб боғига боғбон бўл, яхшиликни айла ғд,
Молу давлат, шон омонат, охиратни айла ғд!
Гар яратган назар этса гадога тожикитизар,
Гар истаса, мрамар қасринг тупроқ қилиб кўзгатар.
Дунёга устунман дема, эгарсиз от тутқазар,
Бир нафаслик жон омонат, охиратни айла ғд!
Кетса бахтинг тулпорингга минг қамчи ур, чопмағай,
Остонадан гам кирса гар, вақти келмай кетмағай.

Нафсига қул муродига етмаган ҳам етмағай,
Сайри бўстон ҳам омонат, охиратни айла ғд!
Бир мўмин кийса ямоқ тўн кибру ҳаво қилма ҳеч,
Миннат билан зар чопон ёпса эгнингга илма ҳеч.
Имони суст бўлмағил ҳеч, сўзи ёлгон бўлма ҳеч,
Ҳақ берган забон омонат, охиратни айла ғд!
Бир фақир кўнглин кўтармоқ Мухаммадни суннати,
Бир ғарибни қўлла, қайтар сенга Қорун давлати.
Эй Саодий, шўқр айла, сабр қўлинг зийнати,
Бир нафаслик жон омонат охиратни айла ғд!
Шамсиддин САДОЙ

ЭЪЛОНЛАР!

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОГРИГАН қовуғи бўш **ЎГИЛ** ва **ҚИЗ** болаларни **БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**
Буйрак, қовуқ, простата беги касалликларини ДАВОЛАЙДИ.
Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангтоҳ маҳалла) Мўлжал: Метронинг Ғ. Ғуллом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача. Ганга дўконидан Себзор бекати томон Зулфия кўчаси томон қараб 200 метр юрилади.

Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергик, бўгин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалламда, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб sinalади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Ўйгур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Травный — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

БАҲМАЛЛИК АНОРХОН ТАБИБ

Тиббиёт оламининг султони Абу Али ибн Сино билан боғлиқ шундай бир ривоят бор. Эмишки, Ибн Сино яшайдиган хужрадан кўча томонга оддий ип тортиб қўйиларкан. Беморлар келиб ўшал ип учини тутсалар Ибн Синога шу ип орқали беморнинг қайси аъзосида касаллик бўлса аён бўлар ва беҳато айтиб берад экан.
Ҳар қандай ривояту афсонада ҳам маълум маънода ҳақиқат бор бўлганидек, жиззахликлар ўзларининг Анорхондек табиблари билан фахрланишади. Инсонлар дардини тушуниш, касалликларни аниқлаш ва даволаш медицина ходимларидан ёки табибдан бир нарсани, яъни, ўқиб ўрганган илмидан ташқари — Оллох берган илоҳий истеъдод ва салоҳиятни ҳам талаб қилади. Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз: Анорхон Бердибекова Оқбўта қизи 1957 йилда Жиззахнинг гўзал Бахмал тумани, Қирқкишлоғида туғилиб ўсган. Гулистон шаҳар тиббиёт коллежини тугатган Анорхон мана йигирма бир йилдан ошибди-ки, беморларни дардига дармон бўлиш мақсадида ўқиб ўрганган билимларини илоҳий табиблик сирлар билан чамбарчас боғлаб олиб бормоқда. Шу ўринда Ўзбекистон халқ табибати академияси аъзоси Анорхон Оқбўта қизидан даво топганларни сўзларига қулоқ соламиз.



-Мен 56 ёшдаман, Гулистон шаҳрида яшайман. Қачондан бери ўт пуфганидаги тош азоб берарди. Анорхон табибни даррагини эшитиб, бир неча бор қабулига қатнадим. Тошдан ҳам, ёқимсиз оғриқдан ҳам қутулдим, - дейди нафақадаги милиция майори Турсуной опа Азизова. Гулистонлик Миржалол ака Мирниёзов 52 ёшда. Оёқ бўғинларида туз тўпланиб, охири Анорхон табибдан даво топганини қувонч билан сўзлайди. Сайдулла Абдуллаев 43 ёшда, Сирдарё вилоятидан, Қозоғистон Республикасининг Махтаорол туманидан Жадира Изтурганова, Боёвут туманидан Маматқул Алибеков, 3-Боёвут ширкат уюшмасидан Хилола Султонова, Тожикистон Республикасининг Сўх вилояти, Зафаробод туманидан Саиджон Эрийгитов ва
қова Оқбўта қизи, Тошкент врачлик малякасини ошириш институтининг 28-маълумотномасига асосан ўзбек халқ табибати соҳасида фаолият олиб бормоқда, - дейди шу Академия бошқаруви раиси М.Ҳамроев. Бир неча фахрий ёрликлар, дипломлар соҳибаси, шу кунларда Гулистон шаҳридаги шифо масканида қунига 50 дан зиёд беморларни қабул қилиб, оёқ, бел, бош оғриқлари, гемарой, сийдик йўли касалликлари, ўт пуфаги, жигар, буйрак, аёллар касалликлари, хафаконлик, ревматизм бординг-ки барча турдаги иллатли хасталиклар билан оғриган беморларни ўзининг сеҳрли, шифобахш қўллари билан даволаб келмоқда. Анорхон табибни излаб келувчилар ниҳоятда кўп. Азал-азалдан халқ дардига дармон, хаста қалбига малҳам бўлгучиларни севиб, ардоқлаб келган.
Умрингиз узоқ, жонингиз омон бўлсин бахмаллик табиб!..
Шамсиддин САДОЙ
Анорхон табибнинг манзили ва телефонлари: Гулистон шаҳри, 4-микрорайон, 25 уй, 12 хонадон. Телефонлари: 8.3672778915 ёки 26-21-42 Гувоҳнома №25.

Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан эsgан шамолнинг тезлиги кучаяди. Ҳарорат кечаси **7-12°**, кундузи **23-28°** атрофида илиқ бўлиши кутилмоқда.

КЎЙ (21.03 — 20.04). - Ҳафтанинг охирида иш фаолиятингизга доир хушхабар эшитасиз. Олисдан яқинларингиз келиши ҳам мумкин.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Сизни ўта машаққатли аммо, сермахсул ҳафта кутмоқда. Ҳар қандай вазиятда ҳам хотиржам бўлишингиз керак.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Ушбу ҳафтанинг қандай ўтиши ўзингизга боғлиқ. Касбингизга оид ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Янги иш бошлаш имкониятини қўлдан берманг. Акс ҳолда моддий қийинчиликларга учрайсиз.

МУНАЖЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Тақдирингиздаги энг асосий муаммо хал этилиб, ҳар томонлама қулай ва ҳашаматли янги уйга қўчиб ўтасиз.

БОШҚОҚ (24.08 — 23.09). - Ёлғизларга қўлдан қутилган бахт ёр бўлади. Улар кўнгулларидаги инсонларни учратишади.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Мухаббат эхтиросларига берилмаганингиз маъқул. Яхшиси, оилангиздаги хотиржамликка эътибор қаратинг.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Ҳафтанинг иккинчи ярми сиз учун анча оғир кечадди. Шу боис, асосий юмушларингизни вақтида бажариб олишингиз керак.

БАШОРАТИ

ЎКОТАР (23.11 — 21.12). - Агар саломатлигингизга эътибор берсангиз ҳафтани соғлом ва хушқайфият билан ўтказасиз.


ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Гарчи оилангизда бироз келишмовчилик бўлса-да, тижоратдаги ишларингиз баракали бўлади.

ҚОВҒА (21.01 — 18.02). - Ҳафта давомида шахсий машинангиздан фойдаланмасликка ва уйга барвақт қайтишга ҳаракат қилинг.

БАЛИК (19.02 — 20.03). - Сафарга чиқшингизга тўғри келиб қолса, қимматбаҳо буюмларингизни ўзингиз билан олиб юрмаганингиз маъқул.



Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Xatlaringizni kutamiz.



Qadrlı yosh do'stim! Quyida tengdoshingizning tuzgan krossvordlari va rasmini sizning e'tiboringizga havola qilayapmiz. Krossvordlarni eching va o'zingiz ham tuzib bizga yuborishni unutmang.

Navoiy shahar, 11-maktabning 8-sinf o'quvchisi, **Hilolabonu HAMROEVA.**

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| O | I | L | A | V | A | J | A | M | I | Y | A | T |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

- O'rmon hayvoni.
- Bo'hton.
- Nafosat
- Ushalmagan orzu
- Tug'ilgan joy
- Mif
- Lat
- Gretsiya
- Sitrus meva
- Rim
- Aniq, ravshan
- Qizlar ismi
- Adolat ramzi

A

Omi (oddiy xalq)

Sir

Qurol ...

Shtat (AQSh)

Terana

B

Yaproq

Sitrus meva

Yot

Qadimda xon saroyida ishlagan ... avlod orzusi

(Boши ўтган сонда)
5. ВАТАН ХАКИДА

Ватан - жаннатингдир.

Халқ сўзи

Ватан муқаддас. Ватан туғилган юрт демак. Ватангадолик ёмон, ундан жудо қилмасин. Улуғ бир мутафаккир ватан тўғрисида шундай деган эди:

"Баркамол ва соғлом қалбда ватан тақдир мумтоз ўринни ишғол этади, ҳар қандай олийжаноб шахс ватан билан қон-қардошлигини теран англайди".

Ватанга муҳаббат билан инсониятга муҳаббат эш бўлмоғи даркор.

6. ОНА ХАКИДА

Дунёда шундай гўзал, азиз зот борки, биз ундан ҳаммиша қарздормиз. Бу зот - онадир!

Н.ОСТРОВСКИЙ

Она буюк ва улуғдир. Она-меҳрибон, жонкуяр яна тинчликсевардир.

Хикоят: "Бир онанинг ёлғиз фарзанди бор экан. Ўғли улғайиб, вояга етганда гўзал, бир қизга ошиғу беқарор бўлиб қолади. Аммо қиз унинг муҳаббатини рад этаркан. Йигит эса қизнинг ҳар қандай истагини бажо этишга сўз берибди. "Тошбағир" қиз эса: "Онанинг юрагини юлиб олиб келсанг тегаман", дебди. Нодон йигит бу "истак"ни бажариб, қўли она юрагини тугиб қизнинг олдига шошиб кетаётганда йўлда қоқилиб кетади. Шунда қўлидан тушиб кетган она юраги тилга кириб:

"Болам, бирор жойинг лат емадимми?" - дейди. Манфур ўғил юракнинг ноласига парво ҳам қилмай қизнинг қўлига тутқазганида шундай жавоб олган экан: "Сени дунёга келтирган зотни билмадинг-у, менинг қадримга етармидинг. Мен сенинг ақлингни синаган эдим"...

Бир авлиё донишманд: **"Дунёда она меҳридан ортиқ меҳр йўқ"**, - деган экан.

Айтадиларки: **"Пайгамбаримиз Расулulloх алайҳи васалламнинг умматларидан бири Мусавия ибн Хайда Расулulloхдан сўрабдилар:**

- Ё, Расулulloх, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?

Пайгамбаримиз шундай жавоб берган эканлар: **"Онангга"**.

Мен шу саволимни уч маротаба қайтарсам ҳам онангга дедилар.

Тўртинчи марта сўраганимдагина - отангга деб жавоб қайтардилар..."

7. АЁЛ ХАКИДА

Аёлларни ҳурмат қилинглр.

"Хадис"дан

Аёл бу келажақдир. Аёл - нафосат ва гўзаллик тимсолидир. У билан хонадон фойзли, фариштали, саришталидир.

Хикоят қиладиларки: "Бир аёл ўғилларини уйлантириш мақсадида юрган бўлади. Ҳар гал қаерга борса, қизига эмас, онасига назар ташлайди. Бир куни иттифоқо етти қиз туққан онанинг ҳовлисига кирибди ва уйига келиб фарзандларига:

- Етти қизнинг онасини кўрдим, ҳанузгача келинчақдек. Уйи эса саранжом-у, саришта, ҳовлиси ёғ тушса ялагудек. Қизлар оналарга ўхшаб ўсадилар ва рўзгор тутадилар. Агар сизлар ҳам бўлажак қайлиқларингизни қадрласангиз, фароғатда яшайсизлар", - деган экан.

Пайгамбаримиз: **"Бирорта ҳам аёл, иккинчи бир аёлнинг талоғини ҳамда унинг ризқига чанг солиб, ўрнига ўзи никоҳланмоғини орзу қилса, унга кўз тиккан бало-қазо бордир"**, - деган эканлар.

8. ОТА ВА ЎГИЛ ХАКИДА

Бошини фидо айла ато қошига, Жисмини қил садқо ано бошига.

А.НАВОИЙ

Ота ўғилнинг суянган тоғи, ягона маслаҳатчиси ва раҳнамо мададқоридир. Ўғил эса отанинг жон томири, келажаги, орзу-умиди, фахри, қувончи.

Бир донишманд: "Ота ўз фарзанди вояга етгунча унинг соғлиғига, одоб-хулқи, тарбиясига ва билимига эътибор бериши, ўғил эса, ота-онасини сўнгги қунигача эъозлаб ҳурматлаши ҳам қарз, ҳам фарздир", - деган экан.

Пайгамбаримиз Расулulloх алайҳи васаллам: "Оллоғга шак келтирмоқлик ва ўғилнинг ота-онага итоат қилмаслиғи энг оғир гуноҳдир! Кимки ота-онасини ҳурматласа, яхшилик қилса, Оллоғ таоло унинг умрини зиёда қилади", - деганлар.

9. БАХТ ХАКИДА

Бошқаларнинг бахтини ўйлаб ўз бахтимизни топаемиз.

ПЛАТОН.

Орзу-ниятга эришиш улуғ бахт. Ҳамма бахтли бўлишга интилади.

Бир донишманддан сўрабдилар: **"Инсонга қандай фазилатлар зийнату, бахт бағишлайди?"**

Донишманд айтди: **—Ўн фазилат киши хуснига - хусн, бахтига-бахт қўшади: Биринчиси:** ҳамма вақт чиройли хулқ билан муомала қилиш;

Иккинчиси: тўғрилиқни ўзига шиор қилиб, мунофиқ, разил-риёкордан узоқ юриш;

Учинчиси: қариндош-уруғ, дўст ва бошқаларга марҳаматли, шафқатли бўлиш;

Тўртинчиси: яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш, ёмонликдан ор қилиш;

Бешинчиси: омонатга хиёнат қилмаслик;

Олтинчиси: хайр-аҳсонли, саховатли бўлиш, бахилликдан ҳазар қилиш;

Еттинчиси: қўшнлар билан тотувликда яшаш;

Саккизинчиси: дўстликка садоқатли бўлиш;

Тўққизинчиси: уйга келган меҳмонни очик юз билан кутиб олиш;

Ўнинчиси: ор-номусли бўлиш".

Пайгамбаримиз Расулulloх алайҳи васаллам, **"Қайси инсон иймонли ва ҳушфёъл бўлса, шу - бахтлидир"**, - деган эканлар.

10. ОДАМГАРЧИЛИК ХАКИДА

Оддийлик - ахлоқий баркамолликнинг бош шартидир.

Л.Н.ТОЛСТОЙ.

Одам бўлсанг одамгарчиликдан чиқма. Одамгарчилик энг олий фазилат.

Бир донишманддан сўрабдилар: **-Қайси ҳислат одамни паст даражадан юқори мартабага кўтаради?**

Донишманд: **- Ақл билан сабр. Сўрабдилар: - Одам нима билан одам бўлади?**

Донишманд: **- Одамгарчилик билан. Гар одамда шу ҳислат бўлмаса, унинг ҳайвондан фарқи бўлмайди.**

Яна сўрабдилар: **- Хорлик нима?**

Донишманд: **- Пасткаш одамларга муҳтожлик, улардан беъмани сўзлар эшитиш.**

Сўрабдилар: **- Нима одамга алам ва пушаймон келтиради?**

Донишманд: **- Ғазаб, такаббурлик ва ноҳўя ҳаракат, - деб жавоб берибди.**

Донолар доноси Арасту: **"Одамларнинг сизга қандай муомалада бўлишини истасангиз, уларга ҳам шундай муомала қилинғиз"**, - деган экан.

Пайгамбаримиз Расулulloх алайҳи васаллам, **"Кимки одамгарчилик қилиб кўзи ожиз одамни қирқ қадам етаклаган бўлса, унинг жаннатга кириши аниқдир"**, - деган эканлар.

(Давоми бор)

Ҳасан НАЗАРОВ, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон ж/х.

Бир ёмоннинг дастидан жўш урган дарё қурир.

Аёл кишининг ёмон отлик бўлиши ҳеч гап эмас экан. Бу мактубим ёзаётман-у, ички ҳис туйғуларим жунбушга келиб, ўзимга-ўзим савол бераман: - "Нахотки шу нарсага ўзим сабабчи бўлсам, ёки..."

Сизларга жон қўшим билан бўлиб ўтган бир воқеани сўзлаб бермоқчиман.

Чунки, менинг дардимни эши-

ёнидаги қизчага мурожаат қилдим: "Сайёра адабиёт китобининг бериб тургин, эртага олиб чиқиб бераман..." - Ёш қиз ҳам дадасининг ичганини ёқтирмаган шекилли, "китобим йўқ", - дейишдан нарига ўтмади. Кўшнимнинг кўзи сузилиб, менга қия боқар экан, хунук қараш қилди. Мени гапга солмоқчи бўлди шекилли, хўжайинимни сўрай бошлади. Ичган одам,

соатлар ўтди. Болаларимни ухлатгани ётоғимга кирдим. Болалар ухлаган, ёзма ишларимни давом эттирмоқчи бўлдим. Энди ўрнимдан турганимни биламан, эшик кўнгируги кетма-кет қаттиқ босила кетди. Бутун танамда кўркүр ва титроқ пайдо бўлди. Болалар ҳам, хўжайиним ҳам уйғониб кетишди. Жажл билан ўрнидан турган хўжайиним эшикни оча бошлади. Мен ҳам орқасидан чиқдим. Қарапсизки эшик олдида, бундан икки соат олдин кўрган ифлос башара, аммо кайфи тароқ кўшнимиз турарди. Эшикни эримнинг очганига хайрон қолди шекилли, озаига гап келмасди. Охири бир донга сизга сўрай бошлади. Эрим жаҳли чиқиб, сизга сўрай йўқ, деди-ю эшикни қарсиллатиб ёпиб қўйди. Ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Дарс қилар эканман минг хил хаёлга бораман. Кўшнимнинг мақсади ва нияти нима? Нимага ярим тунда безовта қилди? Эки боя эрим йўқ деганимга хаёлига ифлос ниятлар келдимикан? Бу ниятларнинг туғилишига қандай имконият яратиб бердим, деган саволлар мени қийнаётди бошлади. У билан салом-алиқдан нарига ўтмасам. Ўзимни-ўзим танқид қила боладим. Жон қўшим ён кўшни дейилади. Бир киши бир донга олдига келиб, ундан:

- Айтинг-чи, мен яхши одамманми ёки ёмонманми ёки бундан қандай билса бўлади? - деб сўради.

- Кўшингдан сўра, агар улар яхши десалар, демек яхшисан! - деб жавоб берди доно.

Мен бу саволга нима деб жавоб берган бўлардим, била олмадим. Кўшним-чи? "Эркаксиз уйга хатлаб босма!" - деганларидек, кўшнимнинг бу қилиги тўғримикиан? Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарийлар. Ўз фикр ва маслаҳатларингизни ёзиб юборинг.

"Оила ва жамият" газетасининг ашаддий мухлиси:

З.Х Ангрэн шахри.

ТУНДА ЭШИК КОККАН

тадиган ва тўғри маслаҳат берадиган севимли газетам "Оила ва жамият". Бундан ортиқ сирдош дўст топа олма-сам керак, деган фикрдаман.

Кечки пайт эртанги бўладиган маъруза дарсларимнинг камчиликларини тўғрилар эканман, бирдан мақола ёзишим учун бешинчи синф "Адабиёт" дарслиги кераклиги эсимга тушди. Ҳозир қоғозларимни йиғиштириман-у, кўшнимнинг қизи Сайёрадан дарсликни олиб чиқаман деган хаёл ўтди. Шу кун хўжайиним ишдан қарчаб келган ва табиати хира бўлгани учун тез овқатланди-ю, ётоғига кириб ётиб олди. Мен болаларимни ўз ҳолларига қўйиб, дарс тайёрламоқда эдим.

Эшикнинг кўнгиругини босар эканман, ўзимча ички ҳаяжон, бировларни безовта қилмадим, деган савол туғилди. Начора, ичкаридан "ким"-деган овоз эшитилди. Ёш қизчининг овозини таниб, ўзимни таништирдим. Ичкари томондан эркак кишининг овози эшитилди ва эшикни оча бошлади. Эшик очилар экан, ичкарида ярим яланғоч, афти буришган, гирт маст ахволдаги кўшнимнинг қиёфаси турарди. Бу ҳолатни тасаввур қила олмай гангиб қолдим. Нима қилишимни билмай,




КИМ ЎЗИ?

чарчаб келган эримни уйғотиб, безовта қилмасин деган хаёлда, "уйда йўқ, иш билан кўчага чикувди", - дея олдим холос ва кўркқанимдан тезда қўлимдаги кичкина ўғлим, ёнимда эшик очиб турган катта ўғлимни шоша-пиша уйга киргизиб эшикнинг зичлаб ёпдим. Аммо, кўркқанимдан анча-гача ўзимга кела олмадим. Қап-катта кишининг бу ахволда қизлари олдида юриши жуда хунук эди. Қизларининг бўйи етган, нахотки улардан уялмасам... Хуллас, уйга киргач, дарсимни давом эттирдим. Орадан икки

Мен сизларга тўрт оиланинг бир ёмоннинг дастидан вайрон бўлгани ҳақидаги фожеани айтиб бермоқчиман. Зеро, бу фожеани эшитиб, баъзи ота-оналар ўз фарзандларига бевфарқ, безъийор бўлмай уларнинг ке-

июн кунини у холасининг уйланинг 2 ой бўлган ўгли Нодирбек ва тўйига 2 кун қолган Жасурбек ҳамда Олимбекларни машинаси-



Ҳаёт машовқлари ва қувончлари

"БИР ЁМОННИНГ ДАСТИДАН..."

лажаги ва тарбиясига янада чуқурроқ эътибор беришин.

1984 йилда туғилган Бехзодни уйлантирган ота-онаси чет элга ишлашга кетишди. Отаси унга "Нексия" машинасини ҳам қолдирди. Бехзод ёш хотинини ёлғиз ташлаб, саёқ қизларнинг изидан маст ҳолда кеча-кундуз машина ҳайдаб юради. Шундан кейин унга қариндош-уруғлари, бутун маҳалла, бу йўлдан қайтишини айтиб илтимос қилишди. Лекин у ёлғиз фарзанд, жуда эрка бўлганлиги учун маҳалланин ёлғиз ҳам, қариндош-уруғларининг ҳам насиҳатига қулоқ солмади. Маҳалладагилар бобоси ва бу-висига Бехзод ҳақида гапирганларидан улар машинани жуда тез ҳайдашдан фашланиб: "Неварамиз Шумахер", дея ушун машина поёғаси бўйича жаҳон чемпиони "Шумахер"га қийнашди. Шундан кейин Бехзод янада ваҳшийлашиб кетди.

Кўчада унинг машинаси узокдан қуришини биланок одамлар ўзлари четга оладиган бўлишига. 16

га миндириб, қўмилишга олиб борарди. Улар сув бўйида ўтириб Жасурбекнинг тўйи шарафига зиёфат уюштиришади. Зиёфат тугагач, Бехзод яна маст ҳолда машинани бошқара бошлади. Машина жуда катта тезликда кетаётганидан кўркқан Нодирбек ундан рулни ўзи бошқаришни илтимос қилди. Бехзод эса рад жавобини берди. Машина ичидидаги уч йигитнинг бақирик-чақирикларига қарамай, Бехзод тезликни янада оширади. Шунда у бирдан катта тезликдаги машинани бошқара олмай қолади. Машина йўлдан чиқиб кетиб, автохалокатга учрайди. Воқеа жойида Нодирбек ва Жасурбеклар ҳаёт билан видолашади. Воқеадан хабар толган Нодирбекнинг ота-онаси, хотини, опа-укаси донг қотишади. Бошларини қаерга уришни билмай, гамга ботади. Мана, Нодирбекнинг вафотига ҳам 9 ой тўлаётган бўлса-да, унинг уйдагиларнинг кўзидан бир дақиқага ҳам ёш тўхтагани йўқ,

Жасурбекнинг онаси эса чимилдикда қирмай кетган ўғли ҳақида уйлаётган, куйиб кул бўлди. У кечаю-кундуз ўғли қабри ёнидан жилмайди, тинмай йиғлайди. Уртокларининг умрига зомин бўлган Бехзод эса ногирон бўлиб қолган. У нима қилган бўлса ҳам ўзига-ўзи қилди. Лекин ёш, беғуноҳ Нодирбек ва Жасурбекларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлди, уларнинг бутун оруз-умидларини сўндирди. Севишиб турмуш кўрган Нодирбек хотини билан даври-даврон сурмади, бола-чақа орттирмади. Жасурбек эса тўй ҳам кўрмади. Ҳўш, шунча орзуларни сўндирган, икки оилани вайронга айлантирган Бехзоднинг ҳаётда яшашга ҳаққи бормикан? Энди Бехзод маҳалла-қўйнинг олдида қандай бош кўтариб юраркан?... Ҳа, "Бир ёмоннинг дастидан жўш урган дарё қурир", деган нақл бежиз айтилмаган экан. Балки ўшунда унинг юришидан фахрланган, ақинлари ёш ўғлини ёлғиз ташлаб кетган ота-онасига хабар бериб, унинг тарбиясига чуқурроқ аҳамият берганларидек ёки Бехзоднинг ўзи маҳалладошлар фикрига қулоқ солганда, балким бугун шу ҳодиса рўй бермаган бўлармики? Лекин афсус, минг афсус...

Акмал БОБОЕВ, Шахрисабз шахри.

Одам доимо яхши ният қилсин. Ҳеч қачон бировларнинг молига, бахтига ҳасад билан эмас, ҳавас билан қарасин. Доимо яхши гапни гапирсин, яхши нарсани уйла-синки, ҳар бир яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар "омин" дер экан. Мен ҳаётимнинг ушбу нуқтасига ҳеч қачон тўхталмайман, дегандим, "бу тақдир" деб қўя қолгандим. Лекин собиқ

ҲАСАД ЭМАС

овсинимдан бу гапни эшитдим-му, бошқаларга ибрат бўлсин, дея шуни ёзишга қарор қилдим. Ҳали турмуш ўртоғим билан ажрашмасимиздан олдин уйимизда бир зиёфат бўлди. Бу зиёфатга биз бошқалар қаторида хўжайинимнинг касбдоши, қайси-дир маънода устози ҳам бўлган бир кишини хотини билан бир-галикда тақлиф қилдик. Улар келишди. Дастурхонимиз тўқин, уй-жойимиз ҳавас қилгулик. Доимо яхши кунимизда ҳалиги одамлар уйимиз тўрида. Аммо оилавий ҳаётимиз яхши эмасди. Эримнинг менга зулмлари жонимдан ўтиб кетган вақтлари мен ўша одамга ёрдам сўраб икки-уч бор борганман ва у ўртага тушиб муроосага келтириб қўйганди. Шу тўғрйли ҳам менинг уларга ҳурматим балеанд эди.

Хуллас, шу зиёфатдан кейин эримнинг устозининг аёли: "Мана буни яшаш деса бўлади, 2-3 машина хизматда, дангиллама уй-жой (ҳолбуки, уларники ҳам ёмон эмасди!), мабодо у иккинчи хотин олмасмикан-а?" - деган. Уларнинг эри ўлиб, бир фарзанди билан қолган қизи бор эди. У шуни назарда тутган эди. Қизига бир-икки жойлардан одам келганида бизнинг тенгимиз эмас, деб бериш-

маганини эшитгандик. Зиёфатдан кейин орадан кўп ўтмай, биз эрим билан ажрашдик. Акрашиш олди-дан ҳам мен у одамга мурожаат қилиб, оиламни сақлашга ёрдам беришини сўрадим. У эрим билан хар-чанд гаплашмасин, аммо ўз фикрида қатъий туриб олганлигини келиб айтди. Оиламиз бузилди. Орадан кўп ўтмай, эрим ўшаларнинг қизига уйланди. Мен буни эшитиб донг қотиб қолдим. Қулоқларимга ишон-

ҲАВАС

мадим. Никоҳдан 5-10 кун кейин тўй саёҳати, энг сўлим оромгоҳларда дам олишлар, мен болаларим билан яшаган уйда

ҚИЛАЙЛИК

зиёфатлар, тантаналар бўлиб ўтди. Мен буларни эшитиб юрдим. Лекин бу фароғатли кунлар кўпга қўзилмади. Устозининг тантиқ қизи менга ҳукмбардорлик қилиб ўрганган эримнинг қилиқларига зўрға 4-5 ойгина чидади ва улар ажрашишди. Қиқбатда қундошнинг отаси оқибди касал бўлиб, акалнинг оғзидан қайтди. Онасининг эса юзи қора бўлди. Қайси кунди маршрутли автобусда қундошнинг онасини кўриб қолдим. Салом бердим. Алик олди-ю, ерга қараб жим кетди. Эшитишимча, қизи, яна бир пулдорга иккинчи хотин бўлиб текканмиш. Улар-ку, бошларига тушган бу кўргуликдан сабоқ ололмаган эканлар, бошқалар сабоқ олсинлар, деб шуни ёздим.

M.

НИМАНИ ТАЛЛАШИВ, ТОРТИШАМИЗ?

Бу воқеа бизга бироз узокроқ қариндошларимиз хонадонидан юз берган. Уни синглим айтиб берган-ди. Синглим уларга келин бўлиб тушган. Унинг қайнбобоси ва қайнмомоси яқин 15 йиллардан бери бир-бири билан гаплашмас эканлар. Қайнбобоси ёшлигида ҳам, қарлигида ҳам ниҳоятда жаҳлдор одам бўлган. У хотинини аразмас сабаблар билан урар, сўқар, оиладаги ҳукмронлигини шу йўл билан амалга ошириб ўрганган одам экан. Бу жаҳлдор одамга қудандалик бўлиб кетган ўғиллар, қизлар ҳам қарши сўз айтишга қўрқар эканлар. Унга бир оғиз қарши сўз айтиб қолса ҳатто неварча-келин бўлса ҳам таёқдан бенасиб қолмас экан. Ана шу бобо бир кун хотинини уйдан қувиб-солибди. Орада арзирли сабаб йўқ экан. Буви бечора қочиб Туркманистондаги қизиникига кетибди. У ерда 2-3 йил яшагач, бу ёқдаги қизларидан бири уйига олиб келибди. Ўғилларидан бирортаси уйига келтиришга қўрқибди-да. Қизнинг уйи эса қувёнинг уйи. У ерга ҳадди сизмайди. Шундай бўлсада илоҳсиз момо 10-11 йил яшайди. Бу орада неча тўй-хашамлар бўлган бўлса момони яширича олиб келиб, бир уйга 4-5 момолар даврасига қўйишаркан. Ташқарига, тўй даврасига чиқилшга момонинг юраги бетламас экан. Шундай қилиб, 15 йиллар ўтиб кетибди. Бобонинг юраги ҳеч юшмамабди. Охири бобо қариб, касалланибди ва вақтдан қазоси етибди. Ҳамма билан рози-ризолик тилашиб бўлган, "уйим-уйим" деяверибди. Эфасли бўлгани учун бобо ховлида ётган экан. "Уйга киритинлар", - деб айтаяптилар деб уйлаб уйга олиб киришибди. Уйда ҳам шу аҳвол юз берибди. Бобо жон беролмай қийналармиш. Бошлари қотган ўғил-қизлар нима қилишларини билишмасмиш. Ахири, бир эслироғи айтибдики, "Тўтанлар-

чи, онамни сўраётган бўлмасинлар тағин. Эр-хотундан бирортаси ўлса "уйим" деб йиғлайди-ку", - дебди. Бобонинг ўзидан сўрашга қўрқармишлар. Шундай қилиб момога югурибдилар. Момо эса "Йўқ бормайман, мени уради у, энди таёқни кўтаролмайман", - деб унамаскан. Хуллас, энди урломайдиган бўлиб ўлим тўн-да ётганини айтиб, момони зўрға олиб келибдилар. Момо ёнларига ўтириб кўрка-писса бобонинг қўлиридан ушлаб: "Отаси, мендан ўтган бўлса, кеңиринг, мендан рози бўлинг, сиздан ўтган бўлса, мен кеңирдим", - деган заҳоти бобо жон таслим қилибди.

Бу билан айтмоқчи бўлганим шуки, бу ўтар дунёда нимани таллашиб, тортишамиз. Баъзан худудор душманлардек бир умр гаплашмай юрамиз. Энди у бобо чин дунёга кетди. У кишининг қилишларини муҳокама қилишга ҳаққимиз йўқ, Муҳокама Оллоҳники. Лекин шу мисол орқали айтмоқчимизки, бир-биримизга зулм қилмайлик. Ўғил ўстирган, қиз ўстирган момонинг гуноҳи нима эди? Нега уни қарганида қувёнинг остонасида сарғайтириш керак? Раҳмат ўша қувёга, ўз онасидек қарабди. Аксинча, бўлганда нима бўларди? Яхши бўлган тақдир-даям момо у ерда ўз уйидагидек яшай олдимми? Бировга зулм ўтказишининг бундан ортиқ йўли ҳам борми? Бу зулмининг нақадар оғирлигини бобонинг ўзи ҳам сезган, бумасча момони чақиртирмасди. Бемаъни киборни, манманликни чеккага суриб қўйиб, бир-биримизнинг камчилигимиздан қўз юмиб аҳил-иноқ яшаш қанчалар яхши.

Н.МАНСУРОВА.

Тақдиримдаги кечмишларим ҳақида газетанинг 2004 йил, 43-сонидagi дил изҳоримда ёзгандим. Эрим турли аёллар билан учрашиб, менга хиёнатлар қилди. Аёллик гурурим, қадрим топалса-да, болаларим учун чиқардим. Ана шундай қийналиб юрган кунларимнинг бирида эрим оғир касал бўлиб қолди. Анча пайтгача ётиб даволанди. Мен болаларим билан унинг бошида парвона бўлдим. У ётган жойида қўлларимиз юзига босиб, хиёнатлари учун қайта-қай-

та кечиримлар сўраб, тавабга тазаррулар қилди. 6 нафар фарзандларимиз ҳаққи-ҳурмати эримни кечирдим. Унинг: Энди сизлар учун яшайман! Ўз хатоларимни тушундим! - деган гапларига ишондим. Кўзларимдан севинч ёшлари тўкилди. Лекин, эрим соғайганидан сўнг, яна аввалги қилигини бошлади. Мен илгариги дил изҳоримни кейинги кечмишларим ҳақида ҳам яна ёзган, дея қўйганим. Энди бундан сўнг оилавий ҳаётимиз изга тушиб кетишидан умид қилгандим. Аммо...



мизда ҳамма нарса етарли бўлади. Музлаткич ҳам бундан буён тўла туради, - дея ваъдалар бериб, уларни қувонтирарди. Ҳатто, касалхонага кўргани келган яқинларига ҳам, нопоқ йўлга кириб, болаларини, оиласини қийин аҳволга солиб қўйгани учун ўздан нафратланаётга-

бир сўзимга мушток бўлиб ўтирди, унга қараб ҳозир ҳам юрагим ачишиб кетаяпти, - деди меҳрибонлик билан.

Инсон баъзан ширин сўзга, меҳрга зор бўлар экан. Мен шундай эдим. Эримнинг ўртоқлари менга ҳамдардлик билан қараб ўтиришаркан, кўзларимдан оққан ёшимни беркитолмасдим. Ахир, шу сўзларга, эримнинг бирозгина меҳрига шунчалар интиқ эдим-да.

Очигини айтсам, эрим оғир операцияни бошдан кечиргани учун анча инжиқ ва асабийлашиб қолган бўлса-да, барчасига чидадим, унинг холини тушундим. Парваришладим. Шундан сўнг у аста-секин оёққа тура бошлади. Тоза ҳаволарга суяб олиб чиқиб айлантириб кела бошладим. Эримнинг юра бошлаганидан хурсанд эдим. У тузалиб ўйимизга қайтганидан кейин яна аввалгидек ахил яшай бошлаймиз, дея умид қилардим.

Афсус!.. Минг афсуски қувончимиз узокқа чўзилмади. Эрим бутунлай тузалиб, ўзига келиб олганидан кейин яна ўша саргузаштларини бошлади. У азалдан бир Нурхон исмли аёл билан танишиб, дон олишиб юраркан. Яна ўша саргузаштларини бошлади. Каттиқ хафа бўлдим. Ахир унинг шу кунгача бўлган ҳамма қилмишларини кечириб, инсофга кирганидан хурсанд бўлиб юргандим-да. У бўлса... Дилимни вайрон қилди.

Мен эримни инсофга чақирганимда ўзимни эмас, болаларимни ўйлагандим. Чунки, улар оталари қандай одам бўлмасин барибир яхши кўришларини билардим. Фарзандларимнинг шодликлари сўнди, улар яна маъусланиб қолишди. Ота эса... Болала-

Хотини сифатида уни тўғри йўлга солиб, ёрдам беришга, тушунишга ҳаракат қилдим, бўлмади, аёл эримни йўлдан уриб, аллақачон ўзиники қилиб олган экан. У эримнинг обрўсини тўқди, бунинг устига ўзи ҳам яхшигина иш жойидан ажралди. "Дуо девона қилади" дейишганича бор экан. Бошимдан, юрагимдан ўтказиб шунга ишондимки, хиёнатга чидаса бўларкан-у, аммо, кўра била туриб тухматга чидаш оғирлик қиларкан.

Бундай дейишимнинг сабаби ўша Нурхон илгари Йўлдош исмли йигит билан яшаб юрганида ундан ҳомиладор бўлган экан. Бола икки ойлик бўлган пайтида у Йўлдошнинг чўнтагидан анчагина пулини ўғирлагани учун, йигит ҳаммасига қўл силтаб кетиб қолибди. Қўшнилар олдида шарманда бўлишдан уялган Нурхон эса бу орада эрим билан танишиб олиб, кўп ўтмай эримга ундан ҳомиладор бўлиб қолганлигини айтди.

Эрим унинг гапига ишонганлиги учун болани тан олади. Шундан сўнг "боложон" эрим бу ёқдаги олти нафар боласининг ризқини ўша хонадонга ташиди. Кейинчалик жанжаллашиб қолишди, эрим уникига бормай қўйганди.

Орадан анча вақт ўтгач эса яна топишиб олишди. Нурхон: "Фарзандингиз уч ёшга тўлди", - деб чақира-чақира яна ўзига боғлаб олди. Эримни ўз оиласидан, фарзандларимдан совутган, бездирган бу аёлни ким деб аташ мумкин?! Агар ўртадаги муносабатларини никоҳ билан ҳалоллаб олишса, унча қуйинмаган бўлардим.

Эримни қарамайман, унга ачинаман, уни тўғри йўлга соламан, деб қилган ҳаракатларим зое кетди. Шу кунларда у яна Нурхон билан айшини суриб юрибди. Нима ҳам дердим, мен унга ёмонлик тиламайман, омон бўлсин, дейман. Кейинчалик куч-қувват кетиб, боши ёстиққа текканда хор бўлмаса дейман... Қандай аянчли. Ахир оғир кунларидан мендан бошқа ҳеч ким унинг ҳолидан хабар олмагани алам қилади. Эримнинг эса парвони-фалак, уйдан бутунлай чиқиб ҳам кетмайди, икки жаҳон овораси бўлиб юрибди.

Мен эса оталарининг бу қилмишидан қийналаман, болаларимдан хижолат бўламан. Эримга: "Қийналмай, бир йўла ўша аёл билан яшайверинг. Қачон болаларни кўргингиз келса келиб кетаверарсиз. Шундай қилсангиз менга анча осон бўларди", - десам биздан ҳам кўнгли озулмайд.

Хуллас, у икки йўл орасида қолган. Мен эса нима ҳам қила олардим? Эримга ва Нурхонга инсоф тиллашдан ўзга иложим ҳам йўқ. Умримиз ўтапти, болаларимиз эса улғайиб оқу қорани, диёнат ва хиёнатнинг нимуқлигини ҳам тушуниб боришяпти. Уларга отасининг бу қилмишини қандай изоҳлаб берай, қандай тушунтирай? Ёки индамай, кўниб эримнинг бутунлай қайтишини кутиб яшайверайми?

ЧАМАНГУЛ.

Бу ёруғ дунёда яшарканмиз билиб-билмай қилган хатоларимизни гоҳо кеч бўлса-да, тузатишга ҳаракат қиламиз.

Бирок, баъзи инсонларнинг боши тошга текканда ҳам кўзи очилмас экан. Афсус!.. Жуда кўп хатоларидан сўнг, турмуш ўртоғимнинг ақли киргандир, деб ўйлагандим, адашибман. Эрим тавбасига таянмаган экан.

У мени ва болаларимнинг кўнглини қаттиқ ранжитиб, хиёнат устига хиёнат қилиб юрган кунларининг бирида оғир бетоб бўлиб қолди. Ана шу пайтда ўзим унинг ёнида кечаю кундуз ўтирдим.

Шифокорлар билан гаплашиб муолажа учун зарур бўлган дори-дармонларини, ҳар кунни ош-овқатини қилиб олиб бордим. Кейинчалик уни жарроҳлик йўли билан даволашларини, акс ҳолда ҳамма муолажалар бекфойда эканлигини айтишди.

Операция ўтгунча ва ундан кейин ҳам эримнинг ёнида бўлдим. Бошқа иложим ҳам йўқ, чунки, у болаларимнинг отаси эди. Айнан бошига мусибат тушган дамларда эрим ўзгариб, бирданига менга мулойим гапира бошлади.


Орадан анча ўтгач, у соғайиб куч-қувватга тўла бошлади. Мен болаларимнинг насибасини кирқиб, ҳар кунни эримнинг соғлиғига тўғри келадиган таомларни тайёрлаб берардим. Бечора болаларим ҳам ачиқ-тиззиқ муомалаларимиздан безиллаб қолишган эканми, бизнинг ўзаро қулиб гаплашаётганимиздан жуда хурсанд бўлишарди.

Болаларим улғайиб, оқ-қорани таниб қолишганди. Улар дадаларининг атрофида парвона бўлишиб:

- Дадажон! Сиз энди бизларни бошқа ташлаб кетмайсизми? Аямни хафа қилмайсизми? Кўп ваъда берасизу, яна унутасиз-да! - деган сўзларига эрим жилмайиб шундай дерди:

- Энди бу йўлдан бошқа юрмайман. Фақат сизлар ва аянглар учун яшайман. У пайтлар мен бошқа одам эдим. Қайтадан дунёга келдим. Касалхонадан эсон-омон соғайиб чиққанымдан сўнг, сизларга ҳамма шароитни яратиб бераман. Ҳали кўрасизлар, уй-

ИККИ ЙЎЛ



ОРАСИДА ҚОЛДИ...

нини айтarkan. Бир кунни унга овқат олиб бордим, гаплашиб ўтиргандик, уч-тўртта дўстлари кириб қолишди. Уларга чой-пой қуйиб бериб ўтирдим. Шунда эрим уларга: - Хотинимга минг раҳмат. Мен унга анча жабр қилдим. У бўлса кечирди. Бошим ёстиққа теккандагина, унинг қадрини билдим. Шифтга термулиб ётарканман, хаёлимдан кўп нарсани ўтказдим. Чамангул ҳамма қилмишларимни унутди, кечирди, бошимда парвона бўлаяпти. У мен касал бўлиб ётишимга қарамасдан оғзимдан чиққан ҳар-

рининг бошини эгиб, уйда нотинч муҳит пайдо қилиб, қийнаб қўйганлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Гўёки бир жонсиз кўғирчоққа айланиб қолганга ўхшайди. Рўзгоримизда ҳам моддий танглик бошланди. Бир ўзимнинг тоғганим озиқ-овқатга, уларнинг кийимларига, уйнинг тўловларига етмайди. Эрим яхши пул топса-да, хузурини ўзгалар кўргани менга алам қилади. Лекин, нима бўлмасин эримга ачинаман.

Ёшим 55 да, турмуш ўртоғим билан уй - жой қилиб 3 фарзандни вояга етказдик. Уларнинг учаласи ҳам ўғил. Турмуш ўртоғим маориф соҳасида хизмат қилдилар, қанчадан - қанча шоғирдлар тайёрлаб бердилар. Лекин умрлари қисқа экан, тўсатдан вафот этдилар. Фарзандлари бўзлаб, ўзим адо бўлдим. Ширин сўз, меҳрибон инсондан ажраб қолдик. Учта фарзандим ҳам уйли - жойли, набираларим бор. Ҳаммаси тинч-тотув ҳаёт кечиришар эди. Аммо яқиндан бери бошимга шундай савдолар тушдики сўз билан айтишга тил ожиз. Тўнғич фарзандим меҳрибон эди, кўрганлар ҳавас

ҚАНДАЙ ҚИЛСАМ ЎҒЛИМНИ ҚАЙТАРАМАН



қилишарди. Шу ўғлим икки фарзанднинг отаси бўла туриб йўлдан адашдим, душманлик бўлдим, буни билмай қолдим, бир бузук аёлга илакишиб қолган. Уйда ҳар кунни жанжал бўлди. Охири хотини болаларини олиб кетиб қолди. Узун - қулоқ гапларга қараганда, ўғлим ўша аёлниқига ҳар кунни бориб-келади, тоғганини ҳам шунга сарфлардим. Маҳаллада шунчалик гап кўпайганки, ўз уйимга кириб-чиқиб юришга

юрагим бетламай қолган. Узок - узокларга кетиб қолгим келади. Ўғлимдан сўрасам, "Мен уни танимайман", - дейди. Ичмас эди, чекмас эди, ҳозир ҳар иккисини ҳам қилади. Келин иккаламиз ишхонасига бориб яширинча пойладик, лекин шу аёлни ушлаб ололмадик. Одамларнинг гапига қараганда у билан Россияга қочиб кетмоқчи эмиш.

Ҳозир ўғлим тўрт суткалаб уйга келмайди. Раҳбарига бориб ҳамма воқеаларни айтмай десам, наман ахир, уяламан. Шунчалик жонимдан тўйиб кетдимки, фоҳишани ушласам, соғ қўймаслигим аниқ. Чунки жамиятда битта фоҳиша қамбаули, шунча яхши. Бир оила бўзилиш арафасида турибди. Мен фарзандимдан ҳеч ҳам бундай қилгиликни кутмаган

Назира опа, Самарқанд шахри.

ТЎХТАНГ! ИНСОН ЎЗИНИ ЁМОН ҲИС ҚИЛАЯПТИ...



БУНИ ХАММА ХАМ УДДАЛАЙДИ

Мен кўшим билан коммунал хизматларини тўлаш учун бордим. У ерда одам жуда кўплигидан хона димиқиб кетган эди. Шунданми бир аёл ўзини ёмон сеза бошлади ва ҳушини йўқотди. Ҳамма бирдан талвасага тушиб қолди. Аммо ҳеч ким нима қилишни билмасди. Шунда кўшим шошилмасдан аёлга ёрдам бера бошлади ва уни тезда ўзига келтирди. Чунки у бир умр ҳамшира бўлиб ишлаган эди. Атрофдагилар ва ўша ҳушига келган аёл ҳам кўшимга қойил қолишди. Аслида, ҳар биримиз, инсон шундай аҳволга тушганда қандай қилиб ёрдам беришни билишимиз лозим. Бу воқеадан кейин дугонамни газетга хат ёзишга ундадим, аммо у бу борада нуноқ эканлигини айтди. Шундан кейин ушбу ҳолат ҳақида ундан тўлиқ маълумот олиб ўзим ёзишга жазм қилдим.

БЕХУШЛИК НИМАДАН ДАРАК БЕРАДИ

Аслида жиддий, хавфли беҳушлик айрим ҳолатларда содир бўлади. Бир неча сониядан, бир неча дақиқага оралликда бўлиб ўтадиган беҳушлиқдан қўрқмаслик ва тушқунликка тушмаслик керак. Чунки бу хавфли эмас. Агар ҳушдан кетиш инсонда ярим йилда бир мартадан ортиқ содир бўлса, демек бу энди организмда бирор жиддий муаммо борлигидан даракдир. Бу ҳолатда дарҳол барча аъзоларни ва қонни тектиришни, айниқса, невропатолог, кардиолог, терапевт каби шифокорлар кўригидан ўтиш зарур. Эринчоқлик қилиш ярамайди, кейин даволаш қийинлашиши ва қимматга тушиши мумкин.

ЛОХАСЛИК САБАБЛАРИ

Ҳаво етишмаслиги. Шундай одамлар бўладики, қон босими паст, камқон ҳолатда юрадилар. Бундай кишилар ҳаво етишмаслигидан ўзини йўқотиши мумкин. Хушсизлик юз бериши учун, улар энг яхшиси ҳаво алмашилиб турадиган жойларда бўлиши, вақти-вақти билан кам-камдан газсиз сув ёки озроқ ширин кофе ичиб туришлари лозим.

Сурункали толиқиш.

Агар ўзингизни ўта чарчқ ва зўриқишга мажбур қилсангиз, демек беҳушликка "тайёрсиз". Турли ўтлардан тайёрланган фиточойлар эса бунинг олдини олади. Бу дамламаларга 1-2 чой қошиқ асал ва лимон ёки апельсин шарбати аралаштирсангиз давоси янада ошади. Энг яхшиси уларни беҳушлик ҳолатига тушишдан олдинроқ лоҳас бўла бошлаганингизда қабул қилсангиз яхши самара беради. Толиққан пайтингизда табиат қўйнига чиқиб, бироз ёлғиз қолиб дам олиш ҳам жуда фойдали.

Очлик. Кейинги пайтда озишни хоҳловчилар кўпайди, айниқса аёллар ўртасида. Бу эса қуввати кам бўлган парҳез таомларни истеъмол қилишни тақозо этади. Бунинг оқибатида очликдан ҳушдан кетиш ҳолати юз бериши мумкин. Жиддий парҳезда юрадиганлар ўзида лоҳасликни сезган заҳоти "қулаб тушишни кутмасдан", бир стакан шарбатми, бир дона банан ёки олма, у ҳам бўлмаса 1 та қанд бўлаг ёки 1-2 дона глюкоза таблеткасини истеъмол қилиши лозим.



Ёқимсиз ҳид. Баъзи одамлар ёқимсиз ҳидларга ўта таъсирчанлиги боис кўнгли айнаши оқибатида ҳушини йўқотади. Бундай шахслар асаб толалари ва томирларини даволатиши лозим. Спорт ва тинч уйқу асосий даво бўлади. Рухшunos маслаҳати ҳам яхши самара беради.

Табий муолажа. Кўпчилик муолажа учун ишлатиладиган ниналардан қўрқишади. Бу айниқса, тиш дўхтири қабулида кўпроқ содир бўлади. Таъсирланган натижасида мушаклар бўшаши ва бош миёда қон таъминланиши сусаяди. Шунинг учун бундай инсонлар шифокор қабулига киришидан олдин бирор-бир тинчлантирувчи дори истеъмол қилиб олиши лозим ва доимий равишда таркибида В витамини бор таблетка ичиб юриши керак.

Тўсатдан ҳаракат! Баъзи одамлар шахд билан ҳаракатланганда (масалан, ётган ёки ўтирган жойидан тураётиб) ҳам ҳушини йўқотади. Бу миёдаги томирларда ҳасталик борлигидан нишона. Бунинг учун томирларни тибет чойлари ёки бошқа ўт дамламалари билан тозалаш керак. Шунингдек, доимий спорт билан шуғулланиш яхши фойда қилади, чунки томирларнинг таранглиги инсоннинг фаол ҳаракатига боғлиқ.

Ҳаяжон. Жуда кучли ҳаяжонланиш доимо организмга салбий таъсир қилади. Қон айланиши тезлашиши натижасида томирларнинг фаолияти бузилади. Бу эса ҳушдан кетишга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатда қандай усул қўллас аниқ эмас, яхшиси кўпам таъсирчан бўлмаслик керак.

Офтоб уриши! Агар жазирама иссиқда бошланг юрсангиз, кувёш нуридан ҳушингизни йўқотишингиз мумкин. Бунинг олдини олиш учун лоҳас бўлиб, бирдан толиқсангиз, рангингиз оқариб кўзингиз қоронгулашса дарҳол юзингизни муздай сувда ювинг. Сув қанча совуқ бўлса шунча яхши. Кейин бирон муддатга салқин жойда ётинг.

ЎЗИНГИЗГА ЎЗИНГИЗ ЁРДАМ БЕРИНГ

Агар сиз вақти-вақти билан ҳушдан кетишингизни билсангиз, унда бу ҳолат юз беришида ўзингизни тутишни билишингиз зарур. Куйидаги қондаларга риоя қилинг!

- Агар сизда лоҳаслик, кўнғил айнаши, ҳолсизлик, кулоқда шовқин пайдо бўлса бўйнингизни бир маромда тутиб, елкангизни уқалатиш имконини топинг. Шунда ҳушдан кетишнинг олдини оласиз.
- Агар бунинг иложи бўлмаса, унда ўтириб олишга ҳаракат қилинг. Танангизнинг орқа томони ва бошингиз деворга тегиб турсин ва елкангизни бўш қўйинг.
- Кийимингиз ёқаси ва белбоғингизни бўшатинг. Дерзани очиб қўйинг.
- Кўзингизни қаттиқ қисмасдан шунчаки юмиб олинг.
- Зўриқмасдан, енгил, секин ва чуқур нафас олинг. Иложи борича ўзингизни бўш қўйишингизни наслаҳат берамиз. Озроқ ширин, қора кофедан ҳам баҳраманд бўлиб туриш мумкин.
- Шунингдек, ўзингиз билан албатта нашатир спиртини олиб юргангиз маъқул. У нафас олишни осонлаштиради. Шунинг учун нашатирни фақат ҳидлаш лозим, бурунга, бош терисига суртиш асло ярамайди.
- Бундай ҳолатларда ҳеч қанақа таблеткани оғизга ташлаш мумкин эмас! Акс ҳолда дори нафас йўлига тиқилиб қолиши мумкин.

БЕФАРҚ ЎТИБ КЕТМАНГ

Ҳушдан кетаётган одамга ёнидагилар ёрдам бермоғи лозим. Муҳими - қўрқмаслик. Ёрдам қандай кўрсатилади?

- Беҳуш одамни текис жойга юқорига қаратиб ётқизиб қўйилади. Бемор тинч ётиши керак, уни ҳеч ёққа силжитмаслик зарур. Бошининг тагига ҳам ҳеч нарса қўйилмайди. Беҳушлик - бу бош миёга қон оқиб боришининг секинлашишидан келиб чиқади. Шунинг учун бошни кўтариш аҳволни янада оғирлаштиради.
- Бу ҳолатда артериал қон босимининг кескин тушиб кетганлиги сабаб, беморнинг томир уриши одатдагидан ўзгармайди. Шунинг учун яхшиси сунъий нафас бериш ва юрак атрофини уқаламаслик керак.
- Ёқа ва белбоғларни бўшатиш лозим.
- Беҳуш одамнинг бурнига бирор ўткир ҳидни: нашатир спирти, атир ҳидлатиш керак. Атир ҳар доим аёлларнинг сумкасида бўлади, нашатир спиртини эса автомобилларнинг аптеккасидан топиш мумкин.
- Агар бемор ҳушини йўқотаётганда оғзи очик ҳолатда бўлса кўл билан ёпиш керак, шунда у бурни орқали нафас олади. Бу эса сиз ҳидлатган ўткир ҳиднинг таъсири эвазига нафас олишини ўрнига келтиради. Натижада танадаги қон кислотрогга тўйинади.
- Юқори лаб билан бурун тагидаги масофа орасида жойлашган нуқтани босиб туриш керак. Бу беҳуш ҳолатдан чиқиб кетадиган жуда муҳим нуқтadır. Буни "тез ёрдам нуқтаси" ҳам дейишади.
- Кулоқ юмшогини бир маромда уқалаш керак. Чунки улар тўғридан-тўғри инсон боши билан боғлиқ. Кулоқ юмшоғида мия ва барча аъзоларнинг ҳаракатини меъёрга соладиган муҳим нуқта жойлашган.
- Иккита қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари орасидаги нуқталарни уқалаш керак. Бу кулоқдаги нуқтани уқалаш билан бирга олиб борилса самаралидир.

ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАС

Мана, танишганимиздек ҳушини йўқотаётган одамга биринчи ёрдам кўрсатишининг ҳечам қийин ёки қўрқинчли жойи йўқ. Қилинадиган ҳаракатлар жуда оддий, алоҳида билим ёки ақлни талаб қилмайди. Муҳими - бефарқ бўлмаслик, инсонни фалокатга ташлаб қўймаслик.


Кейинги пайтларда биз жудаям кўрс ва бир-биримизга лоқайд бўлиб бораяпмиз. Мана бу энди ҳақиқатан ҳам қўрқинчли. Донишмандлардан бирининг шундай гапи бор: **инсониятнинг энг тубан ва даҳшатли фожеаларга юз тутиши лоқайдлик ва оқибатсизликдан бошланади.** Бу ҳақ гап. Агар сиз йиқилаётган одамни кўриб қолсангиз, қўрқмасдан, вақтида ёрдамга етиб келсангиз, у сиздан жуда миннатдор бўлади ва узоқ вақт яхшилигингизни эслаб юради. Сизнинг эса юрагингиз қувончга тўлади. Қисқаси, яхшилик ерда қолмайди. Кимгадир берган ёрдамингиз бошқа бировдан албатта қайтади.

Матлуба ШУКУРОВА.

ТЕРИ ПАРВАРИШИНИ БИЛАСИЗМИ?

(Давоми. Боши 13-14 сонларда)

Ёшимиз улгайгани сари танамизда турли дармондориларга танқислик сезила бошлайди. Терини эса эрталаб, кундузи ва кечқурун парвариш керак. Буни табиий усуллар ёки замонавий пардоз-андоз усуллари билан қиласизми, ихтиёрингиз.



кремлар фойдалидир. Улар теридаги ёғларни сиқиб чиқариб, шамоллашнинг олдини олиб, ҳосил бўлган қора нуқталарни йўқотади. Ёгли тери учун маврак, мойчечак, алоэ, лимондан дамлама тайёрлаб, юз ҳар куни артиб турилса, терини яшатиб юборади.

УШБУ ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Озиклантирувчи кремларни яхшиси ҳар куни кечқурун уйкуга ётишдан 30 минут олдин суринг. Эрталаб эса кўчага чиқайдан 30-40 минут олдин сурганингиз маъқул. Айниқса, қишнинг совуқ кунларида бу қоидага қатъий амал қилишингиз керак. Кремларни қандай қилиб суришни биласизми? Кўпчилик аёллар кремни қафтларига суриб бирданига юзларининг тўғри келган томонига ишқалайдилар. Бундай қилиш мумкин эмас. Чунки, крем суришнинг ҳам ўзига хос қоидалари бор.

Озиклантирувчи кремни кечқурун, тозаланган ва нам терига сурган маъқул. Уни бармоқларингизнинг учи ёрдамида суринг. Кремларни тўғри йўналиш бўйича, иккдан қулоқнинг пастки қисмига, оғиз бурчагидан эса қулоқнинг ўрта қисмига, бурундан пешона, чаккага, кўздан эса пешонага, бўйин томондан эса иякка қараб сурилишини эсда тутинг.

УЙДАГИ "ЎЗАЛЛИК САЛОНИ"

Уй шароитида тери (ҳафтада 1-2 марта) мунтазам равишда парваришлансагина истаган натижангизга эришасиз. Бир вақтнинг ўзида ҳам намликни сақловчи ҳам озиклантирувчи никоблардан фойдаланишингиз керак. Бу ишни уйкуга ётишдан олдин қилган маъқул. Сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади.

Куруқ терини парваришладда:

- Тенг миқдорда олинган творог ва ўсимлик ёғи, сут ва сабзи шарбати ни аралаштириб никоб тайёрланг.
- Бир ош қошиқдан творог ва сметанага, бир чой қошиқ туз солиб, яхшилаб кўпиртириб, озиклантирувчи никоб тайёрлаш мумкин.
- Тухум саригини 0,5 чой қошиқ асал ва 10 томчи лимон шарбати билан аралаштириб никоб тайёрлайсиз.
- Икки ош қошиқ сули ёрмасини (овсяные хлопья) 4 ош қошиқ илиқ сут ёки каймоқни қўшиб қуюлгунча аралаштирилади. У кўпчилик чикқанидан кейин юзга сурилади.

Куруқ ва таъсирчан тери учун:

- Бир чой қошиқ яшил нўхатдан тайёрланган бўтқага, бир чой қошиқ ёғли каймоқ, 2 чой қошиқ сув ва бир чой қошиқ туз қўшиб никоб тайёрлаш мумкин.
- Ёгли ва дағал терилар учун: Бир ош қошиқ сули унинг икки ош қошиқ ачитилган, ёғсиз кефирга аралаштириб, юзга қалин қилиб сурилиб, устидан 5-10 минут айланма ҳаракатлар билан уқаланади. Яна 10 минут турганидан сўнг ювиб ташланади.
- Мойчечак, тирноқкул, бўтакўз ўтларини яхшилаб туйиб, тухумнинг оқи билан аралаштириб юзга сурилади.

Куруқшаб кетган тери учун:

● Битта тухум саригини бир чой қошиқ асал ва бир чой қошиқ кунгабоқар мойи билан аралаштириб, никоб тайёрлайсиз.

ХУШРҲЙ КҲРИНИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Аввал, эътиборни юзни тозалайдиган турли пилинг ва тозаловчи никобларга қаратиш керак. Айнан шу никобларгина сизнинг хушрҲй бўлиб кўри-нишингиз учун ёрдам беради.

Пилинг - сўзи косметологияда: «эпидерм» қатламни тозалаш, деган маънони билдиради.

Бундай муолажадан кейин юз териси ёш, турли таъсирларга унча берилмайдиган бўлади. Асабийлашиш натижасида юзга пайдо бўладиган турли ўзгаришлар, теридаги камчиликлар, чандиқ ва хуснбузар тошмаларини йўқ қилади.

Пилинг гўзаллик сало-нида амалга оширилади. Мутахассис ёр-дамида қилинган пи-линг натижасида юзнинг эски тери қатлами ўрнини ян-гиси эгаллайди.

Кимёвий пилинг - энг кўп тарқал-ган бўлиб, мевалар кислотаси бил-ан муолажа қилинади.

Лазер ёрдамида пилинг - муола-жаси яқинда пайдо бўлган. Бунда тери лазер билан текисланади. Яъни, терининг эпидермис қаватидаги ўлик шох қатламлари кўчирилади.

Механик пилингда эса юзни тозалаш учун алюмин ку-қунидан фойдаланилади. Фа-қат буни эрта баҳор ва кеч куз-да амалга оширилади.

Очигини айтганда пилинг му-олажаларидан фойдаланиш учун ҳамма аёлларда ҳам им-коният бўлмаслиги мумкин. Шу боис юзни тозалашнинг яна бир тури билан сизларни таништирамиз. Бу воситалар-ни эса барча аёллар истаган дўконларидан сотиб олишлар-и ва ўзлари уйда ҳам бажаришлари мумкин.

Бу скраб креми билан тоза-лаш усулидир. Фақат ҳар бир аёл ўз терисига мос келадиган скрабни аниқ танлаши зарур. Нотўғри танланган скраб эса терининг шох қатламини емириб тўқималарни ҳаддан ташқари очиб юбориши мум-кин. Бунинг натижасида но-зиклашган тери турли юқум-ли касалликларга мойил бўлиб қолади. Теридаги сув ва туз қатламининг бузилиши эса ажинларнинг эрта тушишига сабаб бўлади.

СКРАБДАН ФОЙДАЛАНИШ

Куруқ тери учун ҳафтада 2-3 марта скрабдан фойдаланиш кифоя. Таъсир-чан терилар учун - таркибида учли до-началар эмас, синтетик доначали скраблар тўғри келади. Шуни унут-манг-ки, скрабни куруқ терига ишла-тиб бўлмайдиган, у албатта ҳўл терига сурилиши керак. Ана шундагина те-ридаги ўлик шох қатламлари осон кўчиб тушади.

НИКОБЛАРДАН ЯХШИСИ ЙЎҚ

Юзни тозалайдиган никоблар бундан минг йиллар аввал пайдо бўлган. Уларнинг афзаллиги шундаки, никоблар юз терисидеги қон айланишини яхшилаб, тўқималарнинг қайишқоқлигини ортти-ради ва ёшартириб юборади. Никоблар кечқурун, уйкуга ётишдан олдин қилин-са, қутилган натижани беради.

Озиклантирувчи никоблар терини те-тиклаштирадиган, соғломлаштирадиган ва кўркамлаштирадиган қойилмақом воситадир.

● Озиклантирувчи никобларни териси нормал ва куруқ бўлган юз ва бўйинга (кўз атрофидан ташқари) 10 кунда бир марта, ёгли терига 2-3 марта сурилади. Юзга никоб су-рилгач, қулай ётиб, танангизни бўшаштиришга ҳаракат қилинг.

● Никоб муолажасидан кейин 10-15 минут утгач, юз кўримасдан туриб муз бўлақчаси билан артилади ёки совуқ сув билан ювилади. Сўнг меъ-ёрлаштирадиган лосьонга яхшилаб ботирилган пахта билан артилади.

● Нормал тери учун - қаҳва-ли никоб. Қаҳва қуйқаси-ни илиқ ўсимлик ёғи билан аралашти-риб, бўйин ва юзга сурил-гач, 10-15 минут уқаланади - да, сўнг 10 минут-дан кейин илиқ сув билан ювиб ташланади.

● Бодомли никоб - муаммоли терилар учун катта фойда беради. Бунинг учун бодом магизини янчиб, унга илиқ сут қўшиб бўтқа тайёрланади. Юзга сурилгач, 20 минутдан кейин ювилади.

● Ҳамма турдаги терилар учун - бир ош қошиқдан кирғичдан чиқарилган сабзи ва ўсимлик ёғини аралаштирасиз - да, юз ва бўйинга суриб чикасиз. 5 минутдан кейин эса айланма ҳаракатлар билан уқалайсиз. Сўнг қайнаб сову-



Яқин-яқинларгача косметолог-лар ҳар қандай терини пар-варишладда ёгли кремларни тавсия қилишган бўлса-да, аслида бу унча тўғри эмас.

Сабаби ёгли крем сурилса-да куруқ тери янада куруқшаб бошлайди. Ва-ҳоланки тери ёғсизликдан эмас, бал-ки, унга турли дармондорилар етиш-маслигидан кўркамлигини йўқотади.

✓ Терини парваришладда ҳар бир аёл шуни унутмаслиги керак. Куруқ, ёгли ва нормал терилар учун алоҳи-да-алоҳида кремлар ишлатилиши зар-ур. Тери аввало яхшилаб тозалан-сагина озиклантирувчи дармондори-лар яхши сўрилиб, терининг кўркам-лигини таъминлайди.

ТЕРИНИ ОЗИКЛАНТИРИШ

Нормал тери учун :Агар юз терин-гиз сутдек тиниқ бўлишини истасан-гиз унга ёшлиқдан эътибор беринг. Табиий ўтлар ва мевалар қўшилган кремлардан фойдаланинг. Маврак (шалфей), мойчечак (ромашка), шаф-толи меваларидан озиклантирувчи никоблар тайёрлаб ишлатинг. Юз ва бўйин терингизни парвариш қилиш-да таркибида коллаген ва эластин моддалари бор кремлардан ишлатиш ёдингизда бўлсин.

Куруқ тери учун: Таркибида ўсим-ликларнинг тери остидеги ёғларига мос келувчи, ёнғоқ, бодом каби ме-валарнинг ёғлари қўшиб тайёрланган кремлардан фойдаланинг. Шуни унут-манг-ки, агар юз терингиз чиройли кўринишини истасангиз, суяқ крем-лардан фойдаланинг. Улар юз териси қатламига яхши сингийди.

Юз терисини парваришлад даври-да у ўзида кўп намликни сақлаб тур-маса, ҳаммаси бефойда. Ута куруқ юз терисига бир марта сурилган крем тез сингиб кетади. Шу боис, кремни ажин тушишга мойил жойлар, пешо-на, ияк, кўзларнинг четига бир неча мартадан суриш тавсия этилади.

Ёгли тери учун: Енгил ва ёғсиз

тилган сув билан ювиб, бирорта крем суриб қўйилади.

● Тенг миқдорда жўхори уни ёки крахмали, куруқ сут ва келакни аралаштирасиз. Ушбу аралашма до-кадан икки қават қилиб тикилган қопчага солинади. Мойчечак (ре-машка) ва маврак (шалфей) ўтлари дамламасига ботириб олиниб, юз эрталаб ва кечқурун артилади. Бу муолажа терини мулоийин ва таранг холга келтиради.

(Давоми бор)

Дилбар ва Басира тайёрлашди.

Шунчаки ўйлаб топилмай- диган антиқа гаплар

Машина сербурум йўлдан тоғнинг белига чиқиш учун кучаниб борарди. Бир мақоладан.

Шарқираб оқаётган сув қишининг рутубатли кунларида бир мuddат тин олаён чархалакларга яна қайта жон киритди.

Бир ўхшатмадан.

Дўстимиз ўликхонада мурда бўлиб, соғ-саломат жимгина ётибди, хавотир олманглар.

Гўшақдан берилган гап.

Улар олийжаноб қўйларни сўйиб, ундан олийжаноб сомса билан меҳмон қилишади.

Бир мақоладан.

Ия, мен сени тирик кўраятман! Узаро гапдан.

Бағримнинг чокини аввало сўкдинда, сўнг тикдинг... Бир аламзада кишининг дегани.

Тарвуз ичидаги селитранинг қораси яққол кўришиб турибди. Тахлилчининг гапидан.

Илк баҳорда қушлар «Қаргалар» куйини чаладилар.

Бир лавҳадан.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, Фарғона шахри.

Ёши бир жойга бориб қолган икки аёлдан бири-иккинчисига: - Бир пайтлар бизлар қандай гўзал эдик, айниқса мен... Иккинчи аёл: - Энди бўлса бизлар шундай хароб кўринамизки, айниқса сен, - дермиш. - Сиз нега энди мени севиб қолдингиз? - Кўзларингиз туфайли. - Сизга менинг кўзларим ёқиб қолдимми? - Йўқ, менинг кўзларим яхши кўрмайди.



Хотин-эрига: - Сизга мен тайёрлаган овқат яна ёқмаяпти. Турмуш кўрмасимиздан олдин сиз: «Сенинг учун жонимни ҳам аямайман», - дердингиз. - Ҳай, майли, - деб чуқур ўқ тортди эр ва «Олиб кела қол, ўша еб бўлмас овқатингни!», - деди.

Икки дугонадан бири-иккинчисига: - Эшитишимча, сен яна ажрашган эринг билан бирга яшётган эмишсанми? - Ҳа. - Нега шундай қилдинг? - Унинг бахтли ҳаётини кўришга кўзим йўқ...

Бошқалар ишлаганда уларни кузатиб туриш инсофдан эмас. Бориб иссиққина тўшагимда ётганим маъқул.



Шундай ҳордиқ олиш керакки, кейинчалик дам олишга ҳожат қолмасин.

... Жонгинам, севигим, ёлғизгинам, қалдирғочгинам, балиқчагинам, қуёнчагинам, мушукчагинам, полапонгинам менинг... Сен ҳам бундоқ одамга ўхшаб, менга пивога пул бергин!



Яқинда мени деб икки гўзал уришиб қолиди... Йўқ-э? Бўлмаган гап! - Улардан бири: «Уни ўзинг билан бирга олиб кет!», деса, иккинчиси: «Унинг менга кераги йўқ!» - деб хархаша қилди.

Ақлли хотин эрини ҳатто йўқ фикрларини ҳам қайта кўриб чиқишга ёрдам беради.



Мағрузамни кўрмасангиз телевизорни ўчириб қўйинг, нима қиласиз мени бекорга жавратиб.



Карвон кўрдим, туялари бўзлаб келар...

«Юлдузчалар» зўр қўшиқни бузиб «эллар»...

Бошлигингизни телефонга чақириб беринг. - Бошлиқ банд. - Мен унинг хотиниман. - Э-э-э, ҳаммаси шундай дейди! Мезбон стол атрофида ўтирган меҳмонларга бутилкадаги ароқни қўйиб бераркан: - Сизнинг рафиқангиз нима ичадилар? - деб сўрабди. - Нима, нима! Менинг қонимни ичадилар! - дермиш эр.



Чойнакка чой эмас, «дамлашиб» ароқ, Улфатлар ўзгача қилишар мароқ!..

Болакай милиция бўлимига кириб: - Ёрдам беринглар! Анави жойда менинг адамни уришмоқда! - деб бақчирибди. Навбатчи кўчага чиқиб қараса, ҳақиқатан ҳам икки эркак муштлашиб турганини кўриб: - Қайси бири сенинг отанг? - деб сўрабди. - Айнаи шу муаммони улар аниқлашганти...

Қайнонам 5 сўмлик тангани ютиб юборди. Арзимас тийин, аммо менга қувонч бағишлади!

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

BOШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
МанзилимиЗ: Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.
ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 336. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади - 15803
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — М. ШУКУРОВА
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ